

СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 35 (1359) • 2020 йил 1 сентябрь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҒДА

Дала бўйича ер солигини ҳисоблашга доир **2-бет**

Сотилган чиқиндининг бухгалтерияси **3-бет**

Хайрия бўйича имтиёزلарни қўллаётганда нималарга эътибор бериш керак? **4-5-бетлар**

Турли АВларни битта объект таркибига киритиш оқибатлари **6-бет**

Қонун ҳужжатларида қандай янгилликлар бор? **7-10-бетлар**

Ускуна ва ўлчов асбоблари қиймати мол-мулк солиғи базасига қирадимиз? **11-бет**

НАЗОРАТ ХАРИДИ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ
Текширув пайтида нимани қидирадилар? **12-13-бетлар**

Шифокорлар – замонамиз қаҳрамонлари **14-бет**

Божжона почтасида қандай савол бор? **15-16-бетлар**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни химоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ордени билан Контюков Рамил Ринатович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси бошқарма бошлигининг ўринбосари

Мирзаев Мубин Мухидинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

«МАРДЛИК» ордени билан Чориев Отабек Бобомуратович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

«Содик хизматлари учун» медал билан

Ахмедова Альбина Шаирзадовна – Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божжона комплекси бўлим бошлиғи

Генжебаева Айзада Дамировна – Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

Ибрагимов Музафар Юсуپжанович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси «Яллама» чегара божжона пости бошлиғи

Салиев Азаматжон Абдилбоқиевич – Андижон вилояти Жалақудуқ тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

«ШУҲРАТ» медал билан Бахромов Одижон Олимжоновиچ – Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитаси бўлим бошлиғи

Тошкент ш.,
2020 йил 28 август.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2020 йил 29 августдаги 183-184 (7685-7686)-сонлари).

Джумаев Дониёржон Нуслатиллаевич – Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Расулева Мархабо Толкуновна – Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Розмухамедова Роза Ахмедовна – Тошкент шаҳар Олмазор тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

Утамбетов Баймурза Калмурзаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат божжона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси «Довут-ота» чегара божжона пости катта инспектори

Хамдамов Нурмат Баронович – Бухоро вилояти Қорақўл тумани давлат солиқ инспекцияси бош юрисконсулти

Ҳўжаев Ойбек Урунбаевич – Хоразм вилояти Хонқа тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

ВАКОЛАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАТОРЛАР ҲАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

✓ ФАРМОН ВА ИЖРО

Республика Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Божжона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божжона хизмати органлари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сон Фармони мамлакатимизда ваколатли иқтисодий операторлар (ВИО) институтининг жорий этилишига асос солди.

Мазкур Фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 363-сон қарорига мувофиқ ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низом тасдиқланиб, божжона маъмуриятчилиги соҳасидаги халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиладиган

талабларга жавоб берадиган инсофли ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларига соддалаштирилган божжона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни назарда tutувчи ваколатли иқтисодий операторлар институти жорий этилди.

Бугунги кунда республикада ВИО мақомига эга бўлган 28 та юридик шахс божжона операцияларини амалга оширишда махсус соддалаштирилшлардан фойдаланиб келмоқда. Мазкур институтнинг жорий этилиши божжона тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга, божжона органлари фаолияти самардорлигини оширишга, шунингдек, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида шакл-

ланган амалиёт мазкур институтни амалиётга кенг жорий этиш борасида, хусусан, қуйидаги тизимли вазифаларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда:

биринчидан, ВИОлар фаолиятини ташкил этиш тартибини аниқ белгилаб бериш, уларга тақдим этиладиган махсус соддалаштиришлар рўйхатини соҳага оид халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтириш;

иккинчидан, Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритиш учун танлов мезонларини ва тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш;

учинчидан, ВИО институтини соҳага оид илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш.

Ўз навбатида, божжона тартиб-таомилларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, махсус

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ЕР СОЛИҒИ ҲИСОБ- КИТОБИДА СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШНИ ҚАНДАЙ АКС ЭТТИРАДИ

Президентнинг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон) билан тадбиркорлик субъектларининг айрим тоифалари учун ер солиғи бўйича имтиёз 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилди. Амалиётда саволлар юзага келди: корхоналар-қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари аниқлаштирилган Ер солиғи ҳисоб-китобини (3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) қандай тўғри тўлдиришлари мумкин?

ДСҚ бу ҳақда батафсил қўлланмани эълон қилди, buxgalter.uz эса уни анча тушунарли баён қилишга ҳаракат қилди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон) мувофиқ қуйидагиларга ер солиғидан озод этиш тақдим этилди:

- кичик тадбиркорлик субъектлари;
- бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича ер солиғи ҳисоб-китоби

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан олинандиган солиқ ҳисоб-китобида Ҳисоб-китобнинг 050-сатрининг 6-устунида акс эттирилган йиллик ер солиғи суммаси 12 га бўлиниб бир ойлик солиқ суммаси ажратилади.

ПФ-5996-сон Фармон бўйича имтиёзни қўллаш ва унинг муддатини 2020 йил 31 декабрга қадар узайтиришни (ПФ-6029-сон 7-б.) ҳисоб-

транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банклар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Имтиёзни қўллаш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга корхоналар, шунингдек қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари - мева-сабзавот маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд бўлган суғориладиган ва лалми ерлари учун аниқлаштирилган солиқ Ҳисоб-китобини тақдим этишлари лозим.

га олган ҳолда ер солиғининг бир ойлик суммаси 5 ойга (2020 йилнинг январь-май ойлари) кўпайтирилади. Шундан кейин ушбу суммадан аниқлаштирилган Ҳисоб-китобда 2020 йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган ер солиғи суммасини акс эттириш зарур (СК 432-м. 3-қ.):

- 30% - Ҳисоб-китобнинг 0501-сатр 6-устунида;
- 70% - 0502-сатр 6-устунида;

1-мисол. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга корхона 2020 йилда 16 625 000 сўм миқдорда ер солиғи ҳисоблади. Ушбу сумманинг 1/12 қисми 1 385 416,67 сўмга тенг бўлади.

Шундан кейин 2020 йилнинг январь-май ойлари даври учун солиқ кўрсаткичини ҳисоблаш - 6 927 083,35 сум. (1 385 416 x 5) - ва:

- ушбу сумманинг 30%и (2 078 125 сўм) - Ҳисоб-китобнинг 0501-сатрининг 6-устунида;
- ушбу сумманинг 70%и (4 848 958,35 сўм) - Ҳисоб-китобнинг 0502-сатрининг 6-устунида акс эттириш зарур.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг мева-сабзавот маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд бўлган суғориладиган ва лалми ерлари учун тўланадиган ер солиғи ҳисоб-китоби

Ушбу солиқнинг бир ойлик суммаси Ҳисоб-китобнинг 060-сатри 5-устунида акс эттирилган йиллик ер солиғи суммаси 12 га бўлиб аниқланади.

Бир ойлик ер солиғи суммаси 5 ойга (2020 йилнинг январь-май ойлари) кўпайтирилади. Шундан кейин

ушбу суммадан аниқлаштирилган Ҳисоб-китобда 2020 йил учун бюджетга тўланиши лозим бўлган ер солиғи суммасини акс эттириш зарур (СК 432-м. 3-қ.):

- 30% - Ҳисоб-китобнинг 0601-сатри 5-устунида;
- 70% - Ҳисоб-китобнинг 0602-сатри 5-устунида.

2-мисол. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи корхона 2020 йилда суғориладиган ерлар бўйича 1 405 057,35 сўм миқдорда ер солиғи ҳисоблади. Ушбу сумманинг 1/12 қисми 117 088,11 сўмга тенг бўлади.

Шундан кейин 2020 йилнинг январь-май ойлари даври учун солиқ кўрсаткичини ҳисоблаш - 585 440,56 сўм (117 088,11 x 5) - ва:

- ушбу сумманинг 30%и (175 632,17 сўм) - Ҳисоб-китобнинг 0601-сатрининг 5-устунида;
- ушбу сумманинг 70%и (409 808,39 сўм) - Ҳисоб-китобнинг 0602-сатрининг 5-устунида акс эттириш зарур.

Шу тариқа, 2020 йил июнь-декабрь ойлари учун ҳисобланган ер солиғи суммаси им-

тиёз қўлланилиши муносабати билан камай-тирилади.

? Корхона жисмоний шахсга нотурар жойни реализация қилган. Унда электр энергияси ва газни ҳисобга оладиган ҳисоблағичлар ўрнатилган, улар корхона балансида ҳисобда туради ва қолдиқ қиймати эга. Ушбу ҳисоблағичларнинг қолдиқ қиймати қандай ҳисобдан чиқарилади?

ҲИСОБЛАГИЧНИ БАЛАНСДАН ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

- Ҳисоблағичлар реализация қилинган ва корхонага тегишли бўлмаган нотурар жойда ўрнатилган. Шу боис уларни балансдан ҳисобдан чиқариш лозим.

Корхонанинг асосий воситалари таркибда ҳисобга турадиган ҳисоблағичлар 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га (АВ рақами 1299, 20.01.2004 й.) мувофиқ ҳисобдан чиқарилади.

АВларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойдани ёки зарар) асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромаддан уларнинг қолдиқ қиймати, уларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқлар ва харажатларни айриш оркали аниқланади.

АВ чиқиб кетишидан молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситаларнинг қайта баҳолаш сальдоси асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромад таркибига киритилади (5-сон БҲМСнинг 53-б.).

Ҳисоблағичлар келтирилганда АВ таркибига тўғри кириш қилинганлигини текшириб кўришни тавсия қиламиз.

АВ таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- 1 йилдан ортиқ хизмат муддати;
- бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган ЭКИХнинг 50 бараваридан ортиқ бўлган буюмлар. Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни АВ таркибда ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга (5-сон БҲМСнинг 4-б.).

2019 йил 1 сентябрдан кейин харид қилинган АВ таркибига киритиш учун активлар қийматини аниқлашда ЭКИХ ўрнига БҲМ қўлланилади (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 2-банди «б» кичик банди).

Ҳисоблағичлар белгиланган мезонларга жавоб бермайдиган бўлса, уларни ТМЗ таркибига кириш қилиш ва ўрнатиш чоғида балансдан чиқариш лозим эди.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА:

• УСУВОРЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йнгирма тўққиз йиллиги муносабати билан ҳар бири хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилуш органлари ходимларидан бир гуруҳини мувофотлаш тўғрисидаги Фармони (Кучирма) 1-бет
- ФАРМОН ВА ИЖРО
- Ваколатли иктисодий операторлар фаолияти тақомиллашади
- Синовларда тобланиб...

- Шифокорларга байрам совғалари улашди 1, 14-бетлар

• АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ер солиғи ҳисоб-китобида солиқдан озод қилишни қандай акс эттиради 2-бет
- Ҳисоблағични балансдан ҳисобдан чиқариш 2-бет
- СОЛИҚ СОЛИШ
- ҚҚС ва фойда солиғи ҳисоб-китобларида кўрсаткичлар қачон тўғри келмайдми
- Корхона манзили ўзгарганда
- Сотиландиган чиқиндилар 3-бет

• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

- Хайрия бўйича имтиёзлар қандай қўлланилади
- Қандай қилиб бинони ускуналар билан тўпламда ҳисобга олиш мумкин 4-6-бетлар
- ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарорлари:
- «Ваколатли иктисодий операторлар тўғрисидаги инъомни тасдиқлаш ҳақида»;
- «Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги инъомни тасдиқлаш ҳақида» 7-10-бетлар

• ЖАВОБ БЕРАМИЗ

- ЯТТ умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўттиш шартлари
- АВ тўлиқ амортизация қилинган бўлса...
- АВни бозор қийматидан паст нарҳда сотиш
- Ускуна ва мол-мулк солиғи 11-бет
- НАЗОРАТ
- Назорат хариди қачон ўтказилади 12-13-бетлар
- БОЖХОНА
- Вақтинчалик олиб кириш режимида расмийлаштириш лозим
- Утилизация йнгими
- Божхона тўловлари, таъмирлаш учун олиб чиқиш 15-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



ҚҚС ВА ФойДА СОЛИҒИ ХИСОБ-КИТОБЛАРИДА КЎРСАТКИЧЛАР ҚАЧОН ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

? ҚҚС ҳисоб-китобида товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш айланмалари инобатга олинади, фойда солиғи ҳисоб-китобида эса – жами даромад. Агар корхона акциз тўланадиган товарларни реализация қилса, ушбу кўрсаткичлар унда бир хил бўлмайди. «Norma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ вазиятни аниқ мисолларда тусунтиради.

– Солиқ органи 2020 йилнинг I ярим йиллиги учун корхонанинг солиқ ҳисоботини таққослаш натижалари бўйича ҚҚС ҳисоб-китобида (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш бўйича айланмалар ва Фойда солиғи ҳисоб-китобида (3-илова, АВ рақами 3221) жами даромаднинг турли кўрсаткичларини аниқлади. Бухгалтер ҳисобот даврида акциз тўланадиган товарлар реализация қилинганлигини тусунтирди.

ҚҚС бўйича солиқ базаси акциз солиғини ҳисобга олиб, унга ҚҚСни киритмаган ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг қиймати сифатида аниқланади (СК 248-м. 1-қ.). Фойда солиғи бўйича жами даромад ҚҚСни ва акциз солиғини инобатга олмаган ҳолда товарларни реализация қилишдан олинган даромадни ўз ичига олади (СК 297-м. 2, 3-қ.).

Яъни солиқ органи томондан таққосланаётган кўрсаткичлар акциз солиғи суммасига фарқ қилади.

Ушбу вазиятни мисолда кўриб чиқамиз.

МИСОЛ. Акциз тўланадиган товарлар реализация қилинганда ҚҚС бўйича ва фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлаш

Корхона Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган заргарлик буюмларини 200 млн сўмга ҚҚСсиз реализация қилди, бу уларнинг ҳақиқий таннархидан юқори.

2020 йил учун акциз солиғи ставкаси – 25% (9.12.2019 й. ЎРҚ-589-сон Қонунга 1-илова).

Ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарларга солиқ ставкалари фойдаларда белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади (СК 285-м. 3-қ.).

Акциз солиғи суммаси:

$200 \times 25\% = 50$ млн сўм.

ҚҚС акциз солиғини инобатга олган ҳолда битим нархидан келиб чиқиб ҳисобланади:

$(200 + 50) \times 15\% = 37,5$ млн сўм.

Солиқ ҳисоботида ушбу операция бўйича қуйидаги суммалар акс эттирилади:

ҚҚС ҳисоб-китобида – товарларни реализация қилиш бўйича айланма 250 млн сўм;
фойда солиғи ҳисоб-китобида – товарларни реализация қилишдан олинган даромад 200 млн сўм.
Мисолдан кўринадики, ҚҚС ҳисоб-китобида акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш бўйича айланма ва фойда солиғи ҳисоб-китобида реализация қилишдан олинган даромад суммалари акциз солиғи суммасига фарқ қилади.

соб-китобида акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш бўйича айланма ва фойда солиғи ҳисоб-китобида реализация қилишдан олинган даромад суммалари акциз солиғи суммасига фарқ қилади.

? Корхона 2020 йилнинг июль ойида манзилни ўзгартирди. Илгари Тошкент шаҳрининг Мирзо-Улугбек туманида жойлашган эди, ҳозир эса Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида жойлашган. Корхона манзили ўзгарганда солиқ ҳисоботини қандай топшириш лозим? Янги жойда иккинчи ярим йиллик учун нолдан бошлаб топшириш лозими?

КОРХОНА МАНЗИЛИ ЎЗГАРГАНДА

– Корхона манзили қайта рўйхатдан ўтказилганда Тошкент шаҳар Мирзо-Улугбек тумани солиқ инспекцияси барча ҳужжатлар ва корхона йиғма-жилдини янги манзили бўйича Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ тумани солиқ инспекциясига топширади.

Манзилнинг ўзгариши солиқ ҳисоботини янги манзил бўйича нолда топшириш учун асос бўла олмайди. Сиз тўлиқ 2020 йил давомида ўсиб бориш тартибда солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни топшириб бора-

сиз, бироқ ҳисоб-китобларда янги туманни танлайсиз.

Агар манзил ўзгариши билан ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлар бекор бўлса ёки вужудга келса, улар бўйича аниқлаштирувчи солиқ ҳисоботларини тақдим этиш эсингиздан чиқмасин.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

СОТИЛАДИГАН ЧИҚИНДИЛАР

? «А» компанияси ёғ ва бошқа турдаги ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқаради, чиқиндилар тегишли ташкилот томонидан олиб кетилади. «Б» компанияси «А» компаниясининг чиқиндиларидан ҳам ашё сифатида фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқармоқчи бўлган. Компаниялар бир-бирига боғлиқ эмас.

1. Сотилиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини қандай ҳисобга олиш лозим?

2. Ўзаро боғлиқ бўлмаган бошқа компанияларнинг чиқиндиларини ҳам ашё сифатида қандай қиймат бўйича ҳисобга олиш мумкин?

1 Реализация қилинадиган асосий ишлаб чиқариш чиқиндилари қайтариладиган чиқиндилар ҳисобланади.

Эслатиб ўтаемиз: технологик жараёнга кўра бошқа турдаги товарларни ишлаб чиқариш учун тўлақонли хом ашё сифатида бошқа бўлинмаларга бериладиган ТМЗ қолдиқлари, шунингдек технологик жараён натижасида олинадиган (қўшимча) маҳсулот қайтариладиган чиқиндилар ҳисобланмайди.

Қайтариладиган чиқиндиларни реализация қилиш мумкин бўлган-

да, улар реализация қилиш нархи бўйича ҳисобга олинади. Қайтариладиган чиқиндилар қиймати маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган моддий харажатлардан четгириб ташланади (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3259-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСнинг 35-банди).

Ушбу қоидалар келиб чиққан ҳолда қайтариладиган чиқиндиларни ҳисобга олиш ташкил этилади (Ўзбекистонда, АВ томонидан 23.10.2020 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова):

Ҳужжатлик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Қайтариладиган чиқиндилар кирим қилинди	1090-«Бошқа материаллар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»
Қайтариладиган чиқиндилар реализация қилинди	4010-«Харидорлар ва буюргачилардан олинадиган счётлар»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Қайтариладиган чиқиндилар реализация қилинди	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	1090-«Бошқа материаллар»
ҚҚС ҳисобланди (тўловчилар учун)	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»

2 Бошқа юридик шахсларда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган ва хом ашё сифатида ишлаб чиқаришингиз учун зарур бўлган чиқиндилар ушбу ТМЗларнинг харид нархи бўйича кирим қилинади.

Корхона чиқиндиларни бепул олган бўлса, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қиймати бўйича кирим қилиш лозим (4-сон БҲМСнинг 27-б.). Жорий қиймат – маълум бир санада амалда бўлган бозор нархлари бўйича ТМЗларнинг қиймати ёки бир-бирдан мустақил, хабардор ва бундай

битимни амалга оширишни хоҳловчи тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма (4-сон БҲМСнинг 3-б., 4-хатбошиси).

Хом ашё сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган бепул олинган чиқиндилар корхона даромади деб эътироф этилади. Даромад бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 299-м.).

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ХАЙРИЯ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Карантин даврида хўжалик юритувчи субъектлар «Маҳалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» хайрия фондларига, шунингдек ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга пул маблағлари ва товарларни (хизматларни) беғараз бердилар. 2020 йил 1 апрелдан 1 декабрга қадар ушбу мақсадларда берилган пул маблағлари ва товарларга (хизматларга) фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади; товарлар (хизматлар) ҚҚСдан озод қилинади ва айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармон 1-б. «а» кичик банди; 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармон 9-б.).

«Notus» компанияси етакчи эксперти Наталья МЕМЕТОВА buxgalter.uz илтимосига кўра ушбу имтиёзларни қўллаётганда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида гапириб берди.

– ДСҚ ахборот хизматининг маълумотларига кўра, хайрия ёрдами кўрсатилган ва уларни оладиган шахслар ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш

агентлигининг saxovat.argos.uz сайтида шакллантирилади. Ушбу сайтда жойлаштирилган маълумотлар ПФ-5986-сон Фармонда белгиланган солиқ имтиёзларини қўллаш учун асос бўлади.

Ҳужжатлар билан қандай расмийлаштириш керак

Имтиёзлар қўлланишини асослаш учун сиз ёрдам бераётган шахслар рўйхатига эга бўлишингиз лозим.

Ушбу рўйхатни илова қилган ҳолда хайрия учун маблағларни ажратиш тўғрисида буйруқ расмийлаштиришни тавсия этамиз. Буйруқда қуйидагиларни кўрсатинг:

ушбу мақсадларга йўналтирилган маблағлар суммасини;

қандай шаклда ёрдам кўрсатилганини.

Сиз ёрдам бераётган жисмоний шахслар маҳаллий ҳокимият органларининг имтиёзли рўйхатига қайд этилган бўлиши керак.

27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармон бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шакллантирилган рўйхатга киритилган жисмоний шахсларга кўрсатилган ёрдам уларнинг даромади ҳисобланмайди.



Пандемия муносабати билан ташкилотларга ёки жисмоний шахсларга мустақил равишда ёрдам кўрсатаётган бўлсангиз, бундай ёрдам суммаларига нисбатан имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Молиявий ёрдам кўрсатганда тўлов топшириқномасида асос бўлган ҳужжат (Фармон, буйруқ ёки бошқа ҳужжат) рақами ва санасини қайд этинг.

Товарлар (хизматлар) беғараз берилганда уларнинг қийматини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиринг (СК 299-м. 3-қ. 1-б.). У харид қийматидан ёки таннархдан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳисобварақ-фактурада ҚҚСни: имтиёзнинг амал қилиши доирасида товарларни (хизматларни) бераётган бўлсангиз, кўрсатманг, саба-

би у ҚҚСдан озод қилинган оборот ҳисобланади;

беғараз бериш имтиёз билан боғлиқ бўлмаса, кўрсатинг.

Жисмоний шахсларга қимматликларни бериш чоғида уларнинг Ф.И.О., паспорт маълумотлари ва СТИРи (имкони бўлса) кўрсатилган тарқатиш қайдномасини расмийлаштиринг. У ҳам имтиёзни қўллаш учун ҳужжатли асос бўлади. Материалларни бериш якунлари бўйича ҳисобдан чиқариш далолатномасини расмийлаштиринг.

Солиқ ҳисоботида қандай акс эттириш керак

Хайрия харажатларининг ҳисоботида акс эттирилишини мисол ёрдамида кўриб чиқамиз. Дейлик, ПФ-5986-сон Фармон доирасида корхона:

«Маҳалла» хайрия фондида 7 000 минг сўм миқдоридида молиявий ёрдам кўрсатди;

ҳокимлик томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган муҳтож жисмоний шахсларга озик-овқат маҳсулотларини тарқатди. ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда маҳсулотларни харид қилиш қиймати – 3 450 минг сўм.

Корхона қўшимча равишда қуйидагиларни тарқатди:

рўйхатга киритилмаган бошқа жис-

моний шахсларга озик-овқат маҳсулотларини. Уларнинг харид қиймати – ҚҚС билан 2 300 минг сўм;

шифохонага тиббиёт буюмларини. Уларнинг харид қиймати – ҚҚСсиз 5 000 минг сўм.

Кўшилган қиймат солиғи

Молиявий ёрдам солиқ солиш объекти ҳисобланмайди ва Кўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) акс эттирилмайди.

Товарларни (хизматларни) бериш чоғида имтиёзни қўллаб, ҚҚСсиз ҳисобварақ-фактураларни тўғри

расмийлаштирган бўлсангиз, улар Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрида (ҚҚС ҳисоб-китобида 5-илова) тўғри акс этади. Тегишинча, кейинчалик ҳам Ҳисоб-китобда ахборот тўғри шакллантирилади.

Имтиёзни ҳисоботда акс эттириш учун Ҳисоб-китобга 2-илованинг 030-«Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинмайдиган товарлар (хизматлар) реализацияси бўйича айланмалар - жами» сатрини тўлдириш. Бунинг учун 030...-сатрда 7820 кодли имтиёзни танланг.

2-илованинг 010, 030-сатрлари ва 1-илованинг 01021-«ҚҚСдан озод

қилинадиган реализация қилишдан соф тушум» сатри автоматик равишда тўлдирилади.

Текинга бериш қийматини 1-илованинг 0102-«Товарларни реализация қилишдан соф тушум» сатрига ҳам киритинг.

Имтиёз билан боғлиқ бўлмаган товарларни (хизматларни) текинга бериш бўйича оборотга ҚҚС солинади. Уни қуйидаги сатрларда акс эттиринг:

1-илованинг 0102-сатрида – товарлар, ўз маҳсулотлари, хизматлар бўйича;

1-илованинг 01081... «Солиқ солинадиган бошқа айланмалар» сатрида – материаллар бўйича.



Харид қилинган, хайрия мақсадларида бериладиган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС қуйидаги ҳолларда ҳисобга олинмайди:

ПФ-5986-сон Фармон бўйича имтиёз қўлланганда – улар ҚҚСдан озод қилинган айланма мақсадларида харид қилинган муносабати билан (СК 267-м. 1-қ. 3-б.); бошқа ҳолларда – улар бўйича харажатлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланадиган эҳтиёжлар учун фойдаланилиши сабабли (СК 267-м. 1-қ. 7-б.).

Ҳисобга ўтказиладиган ҚҚСни алоҳида ҳисобга олиш усулидан фойдалансангиз, харид қилинган қимматликлар бўйича солиқни Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0302-сатрида акс эттиринг.

Мутаносиб усулда ҳисобга олиниши лозим бўлмаган ҚҚС суммаси солиқ солинмайдиган оборот суммасининг жорий йил давомида ортиб борувчи якун билан аниқланадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича оборотнинг умумий суммасига нисбати сифатида автоматик равишда аниқланади (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0202-сатри).

Келтирилган мисолдаги маълумотларга кўра имтиёз билан боғлиқ бўлмаган қимматликларни текинга бериш чоғида ҚҚСни ҳисоблаш зарур:

$$(2\ 300 + 5\ 000) \times 15\% = 1\ 095 \text{ минг сўм.}$$

Озик-овқат маҳсулотларини харид қилиш чоғида ҚҚС ҳисобга олинмайди, балки уларнинг қийматига киритилади:

$$(2\ 300 + 3\ 450) / 115 \times 15 = 750 \text{ минг сўм.}$$

Фойда солиғи

Имтиёз доирасидаги хайрия харажатлари 10 450 минг сўм (7 000 + 3 450) чегириладиган харажатлар ҳисобланади. ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қолган харажатлар 8 395 минг сўм ((2 300 + 5 000) x 115%) – чегирилмайдиган харажатлар (СК 317-м. 7-б.).

Имтиёзли сумма 10 450 минг сўмни Фойда солиғи ҳисоб-китобига (3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) 3-илованинг 070...-сатрида, рўйхатдан тегишли имтиёзни танлаб олиб акс эттиринг. У 3-илованинг 030-сатрида автоматик равишда акс этади.

Барча хайрия харажатлари (молиявий ва моддий қисми) 18 845 минг сўмни (10 450 + 8 395) Ҳисоб-китоб-

га 2-илованинг 0121-«Хайрия ёрдами тарзида берилган маблағлар» сатрида акс эттириш мумкин.

Бошқа вариант: ҳисобланган ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда моддий қисми 11 845 минг сўмни (3 450 + 8 395) 0129-«Текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ бўлган (шу жумладан ҚҚС суммаси киритилган) харажатлар» сатрида;

молиявий ёрдам 7 000 минг сўмни – 0121-сатрда акс эттириш.

Суммалар 4-«Чегирилмайдиган харажатлар» устунидида автоматик равишда акс эттирилишига эътибор беринг.

Бундан ташқари, барча хайрия харажатларини «Бошқа харажатлар» 070-120-сатрларининг 3, 4-устунларида кўрсатинг. 060-сатр автоматик равишда тўлдирилади.

Ҳисоб-китобнинг 020-сатрида 2-иловадаги маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда чегириладиган харажатлар автоматик равишда шаклланади. 2-иловада барча хайрия харажатлари чегирилмайдиган харажатлар сифатида акс эттирилгани сабабли улар 020-сатрда кўрсатилмайди.

Бироқ имтиёзли қисмини 3-иловада акс эттирдик, у Ҳисоб-китобнинг 040-сатрида автоматик равишда ҳисобга олинади.

Солиқ базаси Ҳисоб-китобнинг 060-сатрида имтиёзни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Шу тариха, аввал хайрия харажатлари чегирилмайдиган харажатлар сифатида акс эттирилади, сўнг солиқ базасини аниқлаш чоғида имтиёзли қисми чегирилади.

Айланмадан олинган солиқ
Молиявий ёрдам айланмадан олинган солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Хисоб-китобнинг 011-«Товарларни, хизматларни текинга беришдан кўрилган зарарлар» сатрида нималарни акс эттириш керак?

Ушбу сатр фаолият турларига қараб тўлдирилиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар корхонангиз савдо корхонаси бўлса ва сиз учун у то-

вар ҳисобланса ёки корхонангиз ишлаб чиқариш корхонаси бўлса ва сиз учун у тайёр маҳсулот ҳисоблансагина тарқатилган озиқ-овқат маҳсулотларини акс эттириш зарур.

Бошқа ҳолларда корхона уларни чиқиб кетиши корхонанинг фаолият турлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа мол-мулк сифатида ҳисобга олади.



Бухгалтерия ҳисоби

Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит
Молиявий ёрдам ўтказилди	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	5110 «Ҳисоб-китоб счёти»
Материаллар текинга берилди	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	1090 «Бошқа материаллар»
	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»*
	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
Маҳсулотлар текинга берилди	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ЖШДС)»*
	9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»	2800 «Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар»
	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»
	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»*
Товарлар текинга берилди	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»
	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ЖШДС)»*
	9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»	2900 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»
	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9020 «Товарларни сотишдан даромадлар»
Хизматлар текинга кўрсатилди	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»*
	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»
	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ЖШДС)»*
	9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»	2010 «Асосий ишлаб чиқариш»
	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	9030 «Ишлаб бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Хизматлар текинга кўрсатилди	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»*
	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»
	9430 «Бошқа операцион харажатлар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ЖШДС)»*

*6410-счётни кредитлаш бўйича провoдқалар – бу ПФ-5986-сон Фармон бўйича имтиёзлар билан боғлиқ бўлмаган хайрия ёрдами кўрсатилганда ҚҚС ва ЖШДС ҳисоблаш.

Хулоса

ПФ-5986-сон Фармонда назарда тутилган чора-тадбирлар қўллаб-қувватлашга жуда муҳтож бўлган шахсларга ёрдам беришга мўлжалланган. Берилган имтиёзлар ва уларни қўллаш тартиби бунга тасдиқлайди. Ушбу чора-тадбирлар доирасидаги хайрия ёрдами уни кўрсатадиганларнинг солиқ юкни энгиллаштиради. Бунда бюджетга тушумлар камайишни унутмаслик лозим.

Берилган имтиёзлардан ортиқ миқдордаги хайрия ёрдами ўз хоҳишингизга кўра берасиз. Шу сабабли бунда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий нормалари билан белгиланган тартибга амал қилиш лозим.

СКга мувофиқ, табиатнинг ёки инсон фаолиятининг қиймат баҳосига эга бўлган ва реализация қилиш учун мўлжалланган ҳар қандай предмети товар деб эътироф этилади. Товарларга бўлган мулк ҳуқуқини бепул асосда ўтказиш ёки бепул асосда хизматлар кўрсатиш ҳам реализация қилиш деб эътироф этилади (СК 45-м., 46-м. 2-қ.).

СКдаги таърифлардан ва Ҳисоб-китоб мазмунидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келамиз:

савдо корхонаси озиқ-овқат маҳсулотларини келгусида реализация қилиш учун харид қилган, бироқ хайрияга йўналтирган бўлса, уларнинг қиймати 5 750 минг сўмни (2 300 + 3 450) Ҳисоб-китобнинг 011-сатрида акс эттириш зарур;

озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия мақсадларини қўлаб харид қилинган ва савдо фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, улар 011-сатрда акс эттирилмайди.

Тиббиёт буюмлари ҳам соғлиқни сақлаш муассасасига берилгани сабабли 011-сатрда акс эттирилмайди (СК 463-м. 2-қ.).

011-сатрда озиқ-овқат маҳсулотлари акс эттирилган бўлса, солиқ базасини имтиёз доирасида берилган маҳсулотлар қиймати – 3 450 минг сўмга камайитириш учун рўйхатдан керакли имтиёзни танлаб, уни Ҳисоб-китобга 2-илованинг 030...-сатрида акс эттиринг.

2-илованинг 030 ва 010-сатрлари, шунингдек Ҳисоб-китобнинг 050-«Солиқ солинадиган жами даромаднинг камайитирилиши» сатри автоматик равишда тўлдирилади. Бунда имтиёз суммаси – савдо корхонасининг фаолият турига нисбатан қўлланиладиган солиқ солинадиган базани камайитириш суммасини кўрсатиш лозим.

ЖШДС

Текинга олинган мол-мулк ва хизматларнинг қиймати – жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари. Мол-мулкни бериш чоғида ҳисобланган ҚҚС унинг қийматида ҳисобга олинади (СК 376-м.).

Моддий наф тарзидаги даромадлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга кирмаслиги сабабли уларга ижтимоий солиқ солинмайди (СК 403-м.).

Жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари Ҳисоб-китобга 6-иловада «Хар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган мулк (дивиденд ва фойзалардан ташқари), моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадлар ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида маълумот»да фамилия-фамилия расшифровкада ва Ҳисоб-китобнинг 012-сатрида ёки 0121-сатрида акс эттирилади.

ПФ-5986-сон Фармон бўйича имтиёзларни ЖШДС ҳисоб-китобига акс эттириш керакми?

Сизда ёрдам олган жисмоний шахсларнинг СТИРи ҳақида ахборот бўлса, буни амалга ошириш мумкин. Бу ҳолда тақсимлаш қайдномасига мувофиқ уларни 6-илова расшифровкасига киритинг. «ЖШДС»нинг 6 ва 7-устунларида «0» кўрсатинг.

Ҳисоб-китобга 2-илованинг 050...-сатрида рўйхатдан Фармон бўйича имтиёзни танлаб олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати 3 450 минг сўмни ва уларни олган шахслар сонини кўрсатинг. 2-илованинг 050 ва 010-сатрларида, Ҳисоб-китобнинг 030-сатрида ЖШДС бўйича солиқ базасини камайитирадиган имтиёзларнинг умумий суммаси автоматик равишда акс этади.

Сизда имтиёз доирасида озиқ-овқат маҳсулотларини олган жисмоний шахсларнинг СТИРи ҳақида ахборот бўлмаса, уларни ЖШДС бўйича ҳисоботда акс эттирмаслигини мумкин, сабаби ПФ-5986-сон Фармонга мувофиқ беғараз ёрдамга жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди.

Ҳокимлик рўйхатига киритилмаган жисмоний шахсларга берилган, ҚҚС ҳисобга олинган (ҳисобга олинган тақдирда) озиқ-овқат маҳсулотлари қийматини эса Ҳисоб-китобга 6-иловада – СТИРни кўрсатган ҳолда акс эттириш зарур. Улар – ЖШДС солинадиган даромадлардир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари қийматидан ЖШДС қуйидаги миқдорни ташкил этади:

$ҚҚСни\ тўловчи\ корхоналарда\ (2\ 300\ x\ 1,15)\ x\ 12\% = 317,4\ минг\ сўм;$
айланмадан олинadиган солиқни тўловчи корхоналарда $2\ 300\ x\ 12\% = 276\ минг\ сўм.$

Даромадлар натура шаклида тўланганда солиқнинг ҳисоблаб чиқарилган суммаси натура тарзидаги тўлов амалга оширилган ой туғанидан кейин 5 кун ичида тўланади (СК 390-м. 2-қ.).

Солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ҳисоблаб ўтказиш учун жавобгарлик корхона зиммасига юклатилади. У хайрия акцияси бўлгани сабабли ЖШДСни корхона тўлайди.

Бошқа шахслар учун тўланган солиқлар – фойда солиғини ҳисоблаш чоғида чегиримлайдиган харажатлар (СК 317-м. 11-б.).

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БИНОНИ УСКУНАЛАР БИЛАН ТЎПЛАМДА ҲИСОБГА ОЛИШ МУМКИН

Кўпинча бино ва иншоотларни қуришда бухгалтерларда асосий воситаларни битта инвентарь объектга бирлаштириш масаласи юзага келади. Масалан, корхона савдо марказини қуриб, уни лифтлар, эскалаторлар, кондиционерлар, кучланиш трансформаторлари билан жиҳозлади. Қурилишда ускуналар ҳисобда қандай акс эттирилади? Турли АВларни битта объектга киритган ҳолда битта АВ объекти – бино акс эттириладими ёки ҳар бир АВни фойдаланишга алоҳида қабул қилиш лозимми?

Бу борада ўз фикри билан «Profi Training» бизнес-мураббийи, молиявий директор Юлия ПАКИДИШЕВА (АССА DipIFR, CAP) buxgalter.uz билан ўртоқлашди.

Инварь объект АВ бухгалтерия ҳисобининг бирлиги ҳисобланади. Бунда асосий восита барча қурилмалар ва анжомлар билан биргаликда ёки бундан бири яхлитлигини ифодаловчи конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи сифатида инвентарь объекти деб тан олинади.

Конструктив жамланган буюмларнинг мажмуи деганда умумий мосламаларга ва анжомларга, умумий бошқарувга эга, бир пойдеворда қурилган, натижада мажмуага кирувчи ҳар бир буюм ўз вазифасини мустақил равишда эмас, балки фақатгина мажмуа таркибидан ажралиб қолган бир ёки турли максдаларга мўлжалланган битта ёки бир нечта буюмлар тушунилади (5-сон БҲМС 5-б, АВ рўйхат рақами 1299. 20.01.2004 й.). БҲМСнинг мана шу таърифи бухгалтерларни чалқаштиради ва нотўғри талқин қилишга олиб келади.

Турли АВларни битта объект таркибига киритиш оқибатлари

АВни баҳолашда фойдали фойдаланиш муддати муҳим мезон ҳисобланади. Бу - корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар)

Ҳисоб мутахассислари, агар кондиционерлар, трансформаторлар ва лифтлар умумий пойдеворга эга бинога ўрнатилган бўлса, ўз функцияларини иморат таркибидан ажралиб, уларни ҳисобга алоҳида қабул қилиш керак эмас, деб ҳисоблайдилар.

Муаллиф мазкур масала бўйича бошқа фикрга эга. 5-сон БҲМС мазкур операцияни қуйидагича регламентлайди: битта АВда турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлганда, ҳар бир бундай объект ҳисобда алоҳида мустақил инвентарь объект сифатида тан олинади.

Бино ва бошқа асосий воситалар (лифтлар, кондиционерлар, кучланиш трансформаторлари) ўзининг хўжалик функцияларини бажаради ва ҳисобда алоҳида акс эттирилиши лозим.

миқдори (5-сон БҲМС 3-б «г» кичик банди).

Агар бино турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бошқа АВлар билан йириклаштирилса, ҳисобда харажатлар камайтиради, мол-мулк солиғи оширилади. Бу корхонанинг фойдасида акс этади.

МИСОЛ. Қурилган бино ва унга ўрнатилган лифт (АВ гуруҳи - иш машиналари ва асбоб-ускуналар) ҳисоби.

Бинолар ва иморатларнинг амортизация нормаси – йилига 3% (33 йил фойдаланиш), лифтнинг (юк кўтариш-транспорт машинаси) амортизация нормаси – 15% (7 йил фойдаланиш) (СК 306-м. 6-қ. IV графа). Яъни агар лифт бино таркибига киритилса, лифтнинг фойдали фойдаланиш муддати 5 мартаба оширилади.

Фараз қилайлик, корхона қиймати 100 млн сўм бўлган бинони фойдаланишга топширади. Бинодаги лифт 15 млн сўм туради. Агар бухгалтер лифтни бино қийматига киритса, йиллик амортизация бундай ҳисобланади:

АВ инвентарь объекти	АВ қиймати, млн сўм	Амортизация нормаси (СК 306-м.)	Йиллик амортизация суммаси, млн сўм
Бино ускуна билан тўпلامда	115	3%	3,45

Агар амортизация ҳар бир объект бўйича алоҳида ҳисобланса:

АВ инвентарь объекти	АВ қиймати	Амортизация нормаси (СК 306-м.)	Йиллик амортизация суммаси, млн сўм
Бино	100	3%	3
Машинавий лифт	15	15%	2,25



Жадвалдан кўринадики, АВлар бирлаштирилганда харажатлар суммаси 1,8 млн сўмга (3,00 + 2,25 – 3,45) камайтиради.

Агар бино ва унинг таркибига киритилган лифтдан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарих нотўғри ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи ҳам нотўғри ҳисобланади – оширилади. Кўчмас мулк юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ объекти ҳисобланади (СК 411-м.). Яъни лифтни бино қийматига киритганда корхона солиқ солиш объектини оширади.

Солиқ ҳисоблаб ёзилишини солиштирамиз:

Бинонинг қиймати, млн сўм	Ҳисобланган амортизация, млн сўм	Солиқ ставкаси	Йиллик мол-мулк солиғи суммаси, млн сўм
115	3,45	2%	2,231 ((115 – 3,45) x 2%)

Агар фақат бино бўйича солиқ ҳисобланса:

Бинонинг қиймати, млн сўм	Ҳисобланган амортизация, млн сўм	Солиқ ставкаси	Йиллик мол-мулк солиғи суммаси, млн сўм
100	3,00	2%	1,94 ((100 – 3) x 2%)

Нима учун баъзи бухгалтерлар ўзгача ҳисоблашади?

Қатта корхоналарда АВларнинг бундай батафсил ҳисобини ташкил этишнинг маъноси йўқ – бу бухгалтериянинг қўшимча ресурсларини талаб этади. Ахир бу ҳолда бинонинг турлича эскириш муддатларига эга бўлган барча конструктив деталларини: том қопламаси, ёнғин сигнализацияси тизими, водопровод ва ҳоказоларни алоҳида ҳисобга олиш зарур бўлади. Бундан ташқари, ўғирликдан сақланиши назорат қилиниши зарур бўлган

АВ объектлари ҳисобини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Лифтни бинодан ўғирлаб кетиш эса амалга ошмайдиган иш. Бинода эскирган ускуналарни таъмирлаш ва алмаштириш учун резервларни шакллантириш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ушбу масалани корхона мустақил равишда – бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида ўзининг ҳисоб сиёсатларидан келиб чиқиб ҳал қилиш ҳуқуқига эга.



8. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта хизмати ёки бошқа етказиб берувчи ташкилот билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати ёки бошқа ташкилот томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

9. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Мазкур шартнома **обуна қиймати Обуначи томонидан 2020 йил 25 декабридан кечиктирмай 100% тўлангандагина** кучга киради ва тарафлар томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

11. Мазкур шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низолар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг кўриб чиқишига топширилади.

12. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар: табиий офатлар, давлат органларининг ҳужжатлари қабул қилиниши ва тарафларнинг назоратидан ташқарида бўлган бошқа ҳолатлар оқибатида ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар. Ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолати юзага келган Тараф бошқа Тарафни шартнома шартларини бажара олмаслик ҳолати юзага келганлиги ҳақида форс-мажор ҳолатлар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилиши ва мажбуриятлар бажарилишининг янги муддатларини келишиб олиши лозим.

13. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

ТАХРИРИЯТ:

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1,
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,
Навоий кўч., 22.
Ҳ/р: 2020 8000 3008 7382 7001
«KDB BANK UZBEKISTAN» банкида, МФО 00842.
СТИР: 305504530, ИФУТ: 58130.
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:
326010039431.
Тел./факс: (78) 147-11-72.
E-mail: obuna@norma.uz

ОБУНАЧИ:

Корхона,
ташкилот: _____
СТИР: _____ ИФУТ: _____
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди: _____
Манзил: _____
Телефон, факс: _____
Ҳ/р: _____
Банк: _____ Банк коди: _____
Раҳбар _____
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Директор _____

Б.К. Қаюмов
(имзо)

М.Ў.



ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИДА ТЕЛЕФОН РАҚАМИНГИЗ
ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНЗИЛИНИ ТЎЛИҚ КЎРСАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!

Кўшимча маълумотларни (78) 147-11-72 телефони ва norma.uz сайтдан олишингиз мумкин.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22. E-mail: obuna@norma.uz.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;
- «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ВАКОЛАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАТОРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Мамлакатимизда божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, божхона маъмуричилиги соҳасидаги халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган талабларга жавоб берадиган инсофли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи ваколатли иқтисодий операторлар институти жорий этилди.

Бугунги кунда республикада ваколатли иқтисодий оператор мақомига эга бўлган 25 та юридик шахс божхона операцияларини амалга оширишда махсус соддалаштиришлардан фойдаланиб келмоқда.

Мазкур институтининг жорий этилиши божхона тартиб-таомилларининг янада соддалаштирилишига, божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида шаклланган амалиёт ваколатли иқтисодий операторлар институтини амалиётга кенг жорий этиш борасида куйидаги тизимли вазифаларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

Биринчидан, ваколатли иқтисодий операторлар фаолиятини ташкил этиш тартибини аниқ белгилаб бериш, ваколатли иқтисодий операторларга тақдим этиладиган махсус соддалаштиришлар рўйхатини соҳага оид халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтириш;

иккинчидан, ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритиш учун танлов мезонларини ва тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш;

учинчидан, ваколатли иқтисодий операторлар институтини соҳага оид илгор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 29 апрелдаги 363-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, божхона тартиб-таомилларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, махсус соддалаштиришлар рўйхатини ҳамда ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритиш учун танлов мезонларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 29 апрелдаги 363-сон қарорининг 2-банди ва қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси: манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ваколатли иқтисодий операторлар институтини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига доимий равишда таклифлар киритиб борилсин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б.Азимов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини
А.АРИПОВ.*

*Тошкент ш.,
2020 йил 24 август
500-сон.*

*ЎзР ВМнинг 2020 йил 24 августдаги 500-сон қарорига
ИЛОВА*

ВАКОЛАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАТОРЛАР ТЎҒРИСИДА НИЗОМ*

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

1. Мазкур Низом ваколатли иқтисодий операторлар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли иқтисодий оператор (кейинги ўринларда – оператор) – божхона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш учун ушбу Низом талабларига жавоб берувчи юридик шахсларга бериладиган мақом;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.11.2020 йилдан кучга киради.

юридик шахсни ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (кейинги ўринларда – гувоҳнома) – мазкур Низомга 1-иловадаги** шаклга мувофиқ электрон тарзда тузилладиган, оператор мақомини тасдиқловчи ва божона операцияларини амалга оширишда махсус соддалаштирилган божона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган электрон ҳужжат;

махсус соддалаштиришлар – гувоҳноманинг турига қараб қўлланладиган алоҳида божона операциялари ва божона назоратини амалга ошириш ҳусусияти;

ваколатли иқтисодий операторлар реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – божона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқни берилган ва гувоҳномага эга бўлган юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат божона қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) томонидан шакллантириладиган ва Қўмитанинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган рўйхати;

юридик шахсининг (операторнинг) ваколатли шахси – ишонч-нома ёки тегишли шартнома, шунингдек, божона расмийлаштирувчи бўйича хизмат кўрсатиш шартномаси асосида ушбу юридик шахс манфаатларидан келиб чиқиб, унинг номидан ва/ёки топшириғи бўйича ҳаракат қилувчи шахслар;

ваколатли органлар – суд, прокуратура органлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, шунингдек, Давлат хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва солиқ органлари.

3. Оператор реестрга киритилган вақтдан бошлаб, хавф даражаси паст бўлган тоифага киради.

4. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари операторли бўла олмайд.

2-БОБ. ГУВОҲНОМА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

5. Гувоҳнома уч турга бўлиниб, мазкур Низомнинг 6-бобидаги божона операцияларини амалга ошириш учун махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

6. Гувоҳнома юридик шахс реестрга киритилган кундан бошлаб қўлга кирилади.

Гувоҳномани бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

7. Гувоҳнома ушбу Низомга 2-иловадаги** схемага мувофиқ бериледи.

Гувоҳнома Қўмитанинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

3-БОБ. РЕЕСТРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

8. Реестр Қўмитанинг юридик шахсни реестрга киритиш ҳақидаги қарорига асосан шакллантирилади.

9. Қўмита юридик шахсни реестрга киритиш, шунингдек, унинг мақомини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ёки операторни реестрдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг ушбу маълумотни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

4-БОБ. РЕЕСТРГА КИРИТИШ УЧУН ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ

10. Барча турдаги гувоҳнома асосида реестрга киритиш ҳақида ариза берилган пайтда юридик шахс қуйидаги умумий мезонларга мос келиши лозим:

божона органларига мурожаат қилинган кунга қадар ўтган бир йил мубайнида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 171, 171¹, 174, 175, 176, 177 ва 227–227²¹, 227²²-модданнинг биринчи қисми, 227²³–227²⁷-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсининг раҳбари, бош бухгалтери ва ваколатли шахсининг, шунингдек, ушбу лавозимлари охириги бир йил давомида эгаллаган шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилганлик ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги;

божона органларига мурожаат қилинган кунга қадар сўнгги беш йил мубайнида юридик шахсининг раҳбари ва бош бухгалтери, шунингдек, ваколатли шахси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 182, 184, 188, 189, 209, 228 ва 246-

моддаларида назарда тутилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари, шу жумладан улар бўйича жарима ва пенялар тўлаш юзасидан қарздорлик мавжуд бўлмаслиги;

божона органларига реестрга киритиш ҳақида аризани қайд этиш кўнига қадар каммида уч йил ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширган бўлиши, бунда:

божона брокери сифатида божона соҳасида фаолият юритувчи шахслар, ҳар йили товарларни фактура қиймати каммида 10,0 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилган ҳолда, 500 тадан кам бўлмаган импорт ва (ёки) экспорт божона юк декларацияларини тақдим этиши;

божона омбори эгаси сифатида божона соҳасида фаолият юритувчи шахслар, божона органларига мурожаат қайд этилган кунда амал қилувчи валюта курси бўйича йиллик қиймати 10,0 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилган ҳолда, 10,0 млн кг миқдордаги товарлар сақловини амалга ошириши;

божона ташувчиси сифатида божона соҳасида фаолият юритувчи шахслар, ҳар йили 200 тадан кам бўлмаган импорт ва (ёки) экспорт юкларининг (партия) халқаро ташувларини амалга ошириши;

товарларни импорт ва (ёки) экспортни амалга ошириш соҳасида фаолият юритувчи шахслар, импорт ва (ёки) экспорт қилинган товарларнинг фактура қиймати сўнгги ўн икки ой мубайнида каммида 2 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилгани ва каммида 100 т импорт ва (ёки) экспорт божона юк декларацияси расмийлаштирилган бўлиши ёки туланган божона тўловларининг суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг каммида 20 000 баробарини ташкил қилиши ва каммида 50 т импорт ва (ёки) экспорт божона юк декларацияси расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг бошланиш санаси деб:

божона омбори эгалари учун – божона омбори фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилган сана;

божона брокери ҳамда товарларни импорт/экспорт қилувчилар учун – божона органларига эркин муомалага чиқариш (импорт)/экспорт божона режимида мувофиқ тақдим этилган дастлабки божона юк декларациясини божона расмийлаштируви санаси;

божона ташувчилари учун – юридик шахс божона ташувчилари реестрига киритилган сана ҳисобланади.

11. Иккинчи турдаги гувоҳнома асосида реестрга киритиш ҳақида ариза берилган пайтда юридик шахс қуйидаги қўшимча мезонларга мос келиши лозим:

ўшбу Низомга 3-иловага** мувофиқ белгиланган талабларга мос келадиган товарларни сақлаш учун омбор сифатида фойдаланишга мўлжалланган (фойдаланиш ёки эгаллик қилиш ҳуқуқида) иншоотлар, бинолар (биноларнинг бир қисми) ва (ёки) очик майдончаларга (очик майдончаларнинг бир қисми) эга бўлиши;

ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик мавжуд эмаслиги.

12. Учинчи турдаги гувоҳнома асосида реестрга киритиш ҳақида ариза берилган пайтда юридик шахс божона органларига ариза берган кунига қадар каммида 2 йил давомида биринчи ва (ёки) иккинчи турдаги гувоҳномага эга бўлган оператор сифатида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши лозим.

Оператор мақоми тўхтатилган мuddат даври кўрсатилган мuddатга киритилмайди.

13. Қўмита календарь йилида бир марта ўрганиш якунлари бўйича оператор фаолиятининг ушбу Низомнинг 10–12-бандларида келтирилган мезонларга мослиги тўғрисидаги ҳулоса тузади.

5-БОБ. РЕЕСТРГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА АРИЗА БЕРИШ ВА УНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

14. Юридик шахс реестрга киритиш учун Қўмитага ушбу Низомга 4-иловага** мувофиқ шакл бўйича ёзма ариза тақдим этади.

**Низомга 1–4-шловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

_____сон обуна шартномаси

Тошкент ш.

2020 йил « _____ » _____

«**NORMA DAVRIY NASHRLARI**» МЧЖ, бундан кейин **Тахририят** деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи директор Б.К.Қаюмов тимсолида бир тарафдан ва _____,

бундан кейин **Обуначи** деб юритилади, _____ асосида фаолият юритувчи _____

_____ тимсолида иккинчи тарафдан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Тахририят 2021 йилда куйидаги даврий нашрларни чиқариш ва Обуначига етказиб беришни таъминлаш мажбуриятини, Обуначи эса ушбу нашрлар қийматини тўлаш мажбуриятини оладилар:

Индекс	Нашрнинг номи	Обуна нархи (тўлов кутубига МҲТЭКМда)	Обуначи тўлдиради	
			Нусхалар миқдори (дона)	Умумий сумма (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон)	2.3		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	1.6		
197	«Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1.2		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)	2.3		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	1.6		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1.2		

2. Жами тўлашга: _____ (_____) сўм, ҚҚС билан.

3. Тахририят ўз зиммасига почта бўлимлари ёки бошқа ташкилотлар орқали нашрларни Обуначига мазкур шартноманинг 4-бандида кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

4. **ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН МАНЗИЛ** (Обуначи томонидан босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси	_____	Минтақа/ Вилоят	_____	Шаҳар/ туман	_____
(қишлоқ / шаҳарча / хўжалик / кўча, мавзе, даҳа, уй, хонадон)					
Олувчининг Ф.И.Ш.	_____	Тел./факс	_____	_____	_____

5. Тахририят куйидаги ҳолларда нашрларни етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди: агар Обуначи томонидан етказиб бериш манзили аниқ кўрсатилмаган бўлса; Обуначи Тахририятга имзоланган ва тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани (Тахририят нусхасини) тақдим этмаган бўлса.

6. Обуначи **2020 йилнинг 25 декабридан кечиктирмай** Тахририятнинг ҳисобрақамига обуна қийматининг 100%ини ўтказиш ва Тахририятга тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани етказиш мажбуриятини олади. **Обунани ўз вақтида расмийлаштириш мақсадида Обуначи шартномани (78) 147-11-72 факси бўйича жўнатиши ҳам мумкин.**

7. Тахририят нашрлар чиқарилишига қараб ҳар ой якуни бўйича Обуначига электрон ҳисобварақ-фактурани тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактураларни улар тақдим этилган пайдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун МҲХС ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун МҲХС ҳужжатларини тан олиш тўғрисидаги буйруғини қабул қилиш;

Молия вазирлигининг МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш тўғрисидаги буйруғини белгиланган тартибда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш;

Молия вазирлигининг МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун тан олиш тўғрисидаги буйруғини ҳамда МҲХС ҳужжатлари матнини «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилиш;

Молия вазирлигининг веб-сайтида МҲХС ҳужжатларининг давлат ва бошқа тиллардаги матнини эълон қилиш; давлат тилидаги МҲХС ҳужжатлари матнининг доимий равишда аниқланиб борилишини таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун МҲХС ҳужжатларининг давлат тилидаги матни тан олиниши лозим.

Молия вазирлиги МҲХС ҳужжатларининг давлат тилидаги таржимасини МҲХС фондидан олинишини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун МҲХС ҳужжатларини тан олиш мазкур Низомга иловага** мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҲУДУДИДА ҚўЛЛАШ УЧУН МҲХС ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ

6. МҲХС ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Молия вазирлиги томонидан экспертиза комиссияси тузилади.

Экспертиза комиссиясининг таркиби ва иш регламенти Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

Экспертиза комиссиясининг таркиби бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари, МҲХС ҳужжатларидан фойдаланувчилар, халқаро экспертлар, илмий жамоатчилик вақтларидан иборат бўлиб, камда етти нафарни ташкил этади.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш мумкинлигини тасдиқлаш мақсадида экспертиза комиссияси ҳар бир МҲХС ҳужжатларини ҳар томонлама қўриб чиқишни таъминлаши лозим.

8. МҲХС ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Молия вазирлиги томонидан экспертиза комиссиясига барча зарур ҳужжатлар тақдим этилади.

9. Экспертиза натижалари экспертиза комиссиясининг ҳулосаси шаклида расмийлаштирилади ва унда қўйидаги яқуний фикрлардан бири акс эттирилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда МҲХС ҳужжатларини тўлиқ қўллаш мумкинлигини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда МҲХС ҳужжатларининг айрим қоидаларини чиқариб ташлаган ҳолда қўллаш мумкинлигини тасдиқлаш ва бунда ушбу ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўлланиши мумкин бўлмаган қоидаларини кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда МҲХС ҳужжатларини тўлиқ қўллаш мумкин эмаслигини тасдиқлаш.

10. Ушбу Низомнинг 9-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларидagi ҳолатларда, экспертиза комиссиясининг ҳулосасида МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш мумкин эмаслиги тасдиқланиши ёки алоҳида МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллашни тасдиқлашга олиб келиши мумкин бўлмаган шартлар ва шароитлар кўрсатилган бўлиши лозим.

11. Экспертиза комиссиясининг фаолияти ва экспертиза натижалари Молия вазирлигининг расмий веб-сайти орқали жамоатчиликка тақдим этиб борилади.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҲУДУДИДА МҲХС ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТўҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда МҲХС ҳужжатларини жорий этиш тўғрисидаги қарор Молия вазирлиги томонидан экспертиза комиссиясининг ҳулосаси асосида қабул қилинади.

13. Молия вазирлигининг МҲХС ҳужжатларини амалга кiritиш бўйича қарори қуйидагилардан бири тўғрисида бўлиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда МҲХС ҳужжати тўлиқ амалга кiritиш тўғрисида;

ушбу Низомнинг 9-банди учинчи хатбошида назарда тутилган МҲХС ҳужжатларининг айрим қоидаларини чиқариб ташлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда амалга кiritиш тўғрисида;

ушбу Низомнинг 9-банди тўртинчи хатбошида назарда тутилган алоҳида МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш мумкин эмаслиги тўғрисида.

14. Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда МҲХС ҳужжатларини амалга кiritиш ёки тугатиш тўғрисидаги қарори экспертиза комиссиясининг ҳулосаси келиб тушгандан сўнг эътирозлар бўлмагандан қабул қилинади.

Экспертиза ҳулосаси бўйича эътирозлар бўлса, Молия вазирлиги уни экспертиза комиссиясига қайта қўриб чиқиш учун юборди. Қайта қўриб чиқиш натижалари экспертиза комиссиясининг ҳулосаси шаклида расмийлаштирилади ва шунга асосан Молия вазирлигининг буйруғи қабул қилинади.

МҲХС фондидан МҲХС ҳужжатларини тўлиқ ёки унинг алоҳида қоидаларининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги тегишли ҳужжат келиб тушгандан, МҲХС ҳужжатларини экспертизадан ўтказмаган ҳолда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

15. МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун тан олиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Мазкур буйруқ белгиланган тартибда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилади.

16. Молия вазирлигининг МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун тан олиш тўғрисидаги буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун тан олинган МҲХС ҳужжатлари матни ушбу Низомнинг 3-банди олтинчи хатбошида белгиланган тартибда расмий эълон қилингандан сўнг қўчга қиради.

Бунда МҲХС ҳужжатларининг ўзида бошқача муддат белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун тан олинган МҲХС ҳужжатлари матни ҳужжатнинг ўзида белгиланган вақтдан бошлаб қўчга қиради.

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун тан олинган МҲХС ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда амал қилишини тугатиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Мазкур буйруқ белгиланган тартибда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун тан олинган МҲХС ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда амал қилишини тугатиш ушбу Низомнинг 3-банд олтинчи хатбошида белгиланган тартибда расмий эълон қилингандан сўнг қўчга қиради.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18. Агар МҲХС ҳужжатларининг давлат тилидаги матни билан ушбу ҳужжатларнинг инглиз тилидаги матни ўртасида фарқ аниқланса, манфаатдор шахслар давлат тилидаги матнга аниқлик кiritиш учун Молия вазирлигига мурожаат қилиши мумкин. Молия вазирлиги МҲХС ҳужжатларини уларнинг давлат тилидаги матни билан ушбу ҳужжатларнинг инглиз тилидаги матни ўртасидаги мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш учун экспертиза комиссиясига тақдим этади.

Экспертиза комиссияси ушбу фарқ тасдиқлангандан сўнг Молия вазирлиги томонидан МҲХС фонди билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда МҲХС ҳужжатларининг давлат тилидаги матнга тегишли тушунтириш бериш учун Молия вазирлигига ҳулоса юборди.

19. МҲХС ҳужжатлари расмий эълон қилингандан сўнг Молия вазирлиги веб-сайтида жойлаштирилади.

**Низомга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:
юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтери ва ваколатли шахсининг солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) ҳамда уларнинг фуқаро паспорт нусхалари;

раҳбар, бош бухгалтер ва юридик шахснинг ҳамда ваколатли шахснинг иш жойини тасдиқловчи ҳужжат, шу жумладан ишончнома ва тегишли шартнома нусхаси;

операторнинг товарларни саклаш учун омбор сифатида фойдаланишга мўлжалланган иншоотлар, бинолар (биноларнинг бир қисми) ва (ёки) очик майдончаларга (очик майдончаларнинг бир қисми) эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уларни ижарага (амал қилиш мuddати бир йилдан кам бўлмаган) олиш бўйича шартномаларнинг (контрактлар, битимлар) нусхалари.

Биринчи ва иккинчи турдаги гувоҳномаларни олиш билан реестрга киритиш учун юридик шахс битта ариза тақдим этиш ҳуқуқига эга.

15. Аризага алоҳида ҳужжатлар илова қилинмайди, агарда Қўмита бундай ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни ва (ёки) улардаги маълумотларни давлат божхона органлари фойдаланадиган ахборот тизимлари, шунингдек, идораларо ахборот ҳамкорлиги доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари орқали олиши мумкин бўлса, мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатлар бундан мустасно.

16. Қўмита аризани рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 иш кuni ичида қўриб чиқади.

Аризани қўриб чиқиш учун йигим ундирилмайди.

Ушбу Низомнинг 14-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолларда ариза қўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

17. Қўмита ушбу Низомнинг 16-бандида белгиланган мuddатдан кечиктирмай, юридик шахснинг реестрга киритиш ёки киритишнинг рад этиш тўғрисида ёзма хабарнома юборади.

Юридик шахснинг ушбу Низомнинг 10–12-бандларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ эмаслиги уни реестрга киритишни рад этишга сабаб бўлади.

18. Оператор реестрга киритилган кундан эътиборан махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

6-БОБ. БОЖХОНА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН МАХСУС СОДДАЛАШТИРИШЛАР ТУРЛАРИ

19. Биринчи турдаги гувоҳнома операторга қуйидаги махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради:

товарларни декларациялаш ва чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини биринчи навбатда амалга ошириш; оператор томонидан ташлашадиган товарларга нисбатан товарни ташиш йўналишини белгилашмаслик;

божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, операторнинг товарларини жўнатувчи божхона органидан товар келиб тушадиган жойгача етказиб бериш;

божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, операторнинг транспорт воситасида божхона транзитини амалга ошириш;

экспортга жўнатиладиган операторнинг товарлари юкланган транспорт воситаларининг ую хоналари (отсеклари) ёки уларнинг бир қисмига оператор томонидан қўйилган пломбаларни давлат божхона хизмати органлари томонидан идентификация воситалари сифатида тан олиниши;

давлат божхона хизмати органлари томонидан вақтнинг қисқартириш ва божхона операцияларини ўтказиш тартибининг оптималлаштиришга қаратилган тажриба лойиҳаларида устувор иштирок этиш;

божхона тўловлари тўланишини 50 фоизга таъминлаган ҳолда, божхона тўловларини бўлиб тўлаш ва (ёки) мuddатини йигирма иш кунигача кечиктирган ҳолда операторнинг товарларини эркин муомаллага чиқариш.

20. Иккинчи турдаги гувоҳнома операторга қуйидаги махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради:

товарларни декларациялаш ва чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини биринчи навбатда амалга ошириш;

операторнинг товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишда божхона назорати шакллари қўлланилмаслиги, хавфни бошқариш тизимида белгиланган чоралар бундан мустасно;

божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, товарларни операторнинг бинолари, очик майдончалари ва бошқа ҳудудларига божхона назорати остида жойлаштириш; божхона органлари билан келишилган ҳолда, операторнинг очик майдонлари ва бошқа ҳудудларида товарларни чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини амалга ошириш;

божхона тўловларини тўланиши таъминланмаган ҳолда, божхона тўловларини бўлиб тўлаш ва (ёки) мuddатини йигирма иш кунигача кечиктирган ҳолда товарларни эркин муомаллага чиқариш;

божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, товарларни чиқаришда уларнинг божхона қийматини шартли равишда аниқлаш;

алоҳида ҳужжатлар (мувофиқлик сертификати) мавжуд бўлмаганда, товарларни (озик-овқат товарлари ва фармацевтика маҳсулотлари бундан мустасно) шартли равишда чиқариш ва ҳужжатларни кейинчалик олтимиш календарь кuni давомида тақдим этиш;

давлат божхона хизмати органлари томонидан божхона операцияларини амалга ошириш вақтини қисқартириш ва тартибини такомиллаштириш бўйича амалга оширилмаган тажриба лойиҳалари синовларида иштирок этиш.

21. Учинчи турдаги гувоҳнома операторга қуйидаги махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради:

мазкур Низомнинг 19–20-бандларида кўрсатилган махсус соддалаштиришлар;

божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 272-моддасига мувофиқ божхона юк декларацияси тақдим этилгунга қадар товарларни чиқариб юбориш;

божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда, божхона тўловларини бўлиб тўлаш ва (ёки) мuddатини олтимиш иш кунигача кечиктирган ҳолда, товарларни эркин муомаллага чиқариш;

божхона масалаларини мувофиқлаштириш ва ҳал қилишда операторга кўмаклашиш учун давлат божхона хизмати органларининг маъсул ходимини (кейинги ўринларда координатор деб аталади) тайинлаш.

7-БОБ. ОПЕРАТОРЛАРИНИ ЎЗРО ТАН ОЛИШ

22. Учинчи турдаги гувоҳномага эга бўлган операторларга ушбу Низомда назарда тутилмаган ва Ўзбекистон Республикаси ўзaro тегишли шартномалар тўғрэн хорижий давлатлар ҳудудида қўлланиладиган бошқа имтиёзлар ва махсус соддалаштиришлар тақдим этилиши мумкин.

23. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ушбу Низомда назарда тутилган имтиёзлар ва махсус соддалаштиришлар хорижий давлатларнинг ваколатли ҳўжалик юритувчи субъектларига ҳам ўзaro асосда берилиши мумкин.

8-БОБ. ОПЕРАТОР МАҚОМИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ

24. Оператор мақоми қуйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилади:

операторнинг ёзма мурожаатига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 171, 171¹, 174, 175, 176, 177 ва 227–227²¹, 227²²-модданиннг биринчи қисми, 227²³–227²⁷-моддаларида назарда тутилган ҳўқуқбузарликлар учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтери, шунингдек, ваколатли шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд қарори кучга кирганда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 182, 184, 188, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтери ёхуд ваколатли шахсига нисбатан жиноят иши қўзғатилганда;

хабарномада белгиланган мuddатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки тўлиқ бажарилмаганда;

ушбу Низомнинг 10-банди бешинчи хатбошига мувофиқ белгиланган фаолият кўрсаткичлари камайганда;

ушбу Низомнинг 14-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларнинг амал қилиш мuddати туаганда.

25. Ушбу Низомнинг 24-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, Қўмита операторнинг мақомини тўхтатади ва тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, уни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

26. Кўйидаги ҳолатлар юзага келганда:

24-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда –

тўхтатиб туриш мuddати бир йилни;

24-банди тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда –

тўхтатиб туриш мuddати суднинг оқлов ҳукми чиққунига қадар бўлган даврни;

24-банди бешинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда –

тўхтатиб туриш мuddати ўттиз иш кунини;

24-банди олтинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда –

тўхтатиб туриш мuddати 10-банди бешинчи хатбошида кўрсатилган мезонларга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар бўлган, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган даврни ташкил қилади.

27. Мақомини тўхтатиб туриш билан боғлиқ ҳолатлар бартаараф этилганда ёки суднинг оқлов ҳукми чиқарилганда, оператор беш иш кунини ичида Қўмитага тегишли хабарнома юборади.

28. Қўмита хабарномани олган кундан эътиборан беш иш кунини ичида операторнинг мақомини қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва қабул қилинган қарор тўғрисида уни хабардор қилади.

Ушбу Низомнинг 24-бандида келтирилган ҳолатларнинг бартаараф этилмаслиги мақоми қайта тиклашни рад этишга сабаб бўлади.

9-БОБ. ОПЕРАТОРЛАРНИ РЕЕСТРДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

29. Оператор кўйидаги ҳолатларда реестрдан чиқарилади: операторнинг ўз хоҳиши билан реестрдан чиқариш тўғрисидаги ёзма мурожаати бўйича;

оператор мақомига эга бўлган юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 182, 184, 188, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганилиги учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтерни ёхуд ваколатли шахсига нисбатан суд ҳукми кучга кирганда;

оператор мақомини тўхтатиб қўйишга олиб келган ва ушбу Низомнинг 24-банди бешинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар ўттиз иш кунини ичида бартаараф этилмаганда;

оператор мақомини тўхтатиб қўйишга олиб келган ва ушбу Низомнинг 24-банди олтинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бир йил ичида бартаараф этилмаганда;

оператор қайта ташкил этилганда, ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш бундан мустасно;

оператор мақоми ваколатли орган томонидан тақдим этилган ва бундай мақоми бериш учун асос бўлиб хизмат қилган ишонсиз маълумотлар асосида берилгани аниқланганда;

оператор томонидан ушбу Низомнинг 33-бандида назарда тутилган мажбуриятлар бир йил мобайнида икки мартадан ортиқ бажарилмаганда.

30. Қўмита ушбу Низомнинг 29-бандида назарда тутилган асослар юзага келиши тўғрисида хабар олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмаддан, операторни реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қўмита операторни реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунини ичида чиқариш учун асосларни кўрсатган ҳолда, операторни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

31. Оператор реестрдан чиқарилган тақдирда, ушбу Низомнинг 29-банди иккинчи хатбошида келтирилган ҳолатдан ташқари юридик шахс уч йилдан сўнг ушбу Низомнинг 29-банди тўртинчи хатбошида келтирилган ҳолатда – беш йилдан

сўнг реестрга киритиш тўғрисида такроран ариза бериш ҳуқуқига эга.

Оператор реестрдан чиқарилган кундан бошлаб, унга берилган гувоҳнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади ва шу мuddатдан бошлаб оператор мақоми учун назарда тутилган соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади.

10-БОБ. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

32. Оператор кўйидаги ҳуқуқларга эга:

реестрга киритилган кундан бошлаб, ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган махсус соддалаштиришлардан фойдаланиши, оператор мақомини тўхтатиб туриш ҳолати бундан мустасно;

координатор ёрдамида божхона масалалари юзасидан белгиланган тартибда маълумот ва маслаҳатлар олиш;

божхона операцияларини махсус соддалаштиришларни қўллаган ҳолда, амалга оширишга маъсۇл раҳбарлар ва ўз штатидаги шахслар орасидан координатор билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун маъсۇл шахсни белгилаш.

Оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Оператор кўйидагиларга мажбур:

реестрга киритилганидан сўнг ушбу Низомнинг 10–12-бандларида келтирилган мезонларга мувофиқ бўлиши;

божхона органларига реестрга киритишда тақдим этилган маълумотлар ўзгариши ҳақида хабар бериш ва бундай ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни ушбу маълумотлар ўзгарган кундан эътиборан беш иш кунини ичида тақдим этиш;

бўлиб тўлаша рўхсат берилган ёки мuddати кечиктирилган божхона тўловларининг божхона органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ юборилган хабарномада кўрсатилган мuddатнинг охириг кундан кечиктирмаддан тўлинишни таъминлаш;

давлат божхона хизмати органлари мансабдор шахслари операторларнинг божхона назоратида турган товарлар сақланаётган ишонотлари, бинолари (биноларнинг қисмлари) ва (ёки) очик майдонларига (очик майдонлар қисмлари) тўсқинсиз кириши тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг талабларини бажариш;

давлат божхона хизмати органлари талабларига мувофиқ божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

давлат божхона хизмати органи божхона назорати шакллари ва божхона назоратининг амалга оширилишини таъминлаш чораларини қўлаш зарурлиги тўғрисида хабар бермаган тақдирда, товарлар чиқарилгунига қадар қонунбузарликларни мустақил равишда аниқлаш ва бартаараф этиш;

товарларни декларациялаш ва ҳисобга олиш бўйича божхона операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган автоматлаштирилган тизимга эга бўлиш.

Оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-БОБ. ОПЕРАТОР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

34. Агар назорат чораси ҳафтни бошқариш тизимида мавжуд бўлса, давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда операторларнинг товарларига нисбатан божхона назорати шакллари қўлланиши мумкин.

35. Божхона назоратида бўлган операторнинг товарларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш (чеклаш) бўйича ваколатли органлар томонидан тақдим этилган асослар мавжуд бўлса, давлат божхона хизмати органи ушбу товарларга нисбатан божхона тартиб-таомилларини ваколатли органнинг алоҳида қарори қабул қилинганга қадар тўхтатиб туради.

Ваколатли органлар аниқланган ва фош этилган жиноятлар ёки бошқа тергов натижалари, жиноятларни содир этган шахслар, шунингдек, операторларнинг солиқлар бўйича қарздорлиги (жарималар, пенялар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар) тўғрисида уч иш кунидан кечиктирмаддан, давлат божхона хизмати органларини ахборот тизимлари орқали (мавжуд ахборотдан ноқонуний фойдаланиш имконини бермайдиган ҳимояланган алоқа каналлари орқали) хабардор қилиши шарт.

12-БОБ. ДАВЛАТ БОЖЖОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

36. Қўмита операторнинг Ўзбекистон Республикаси божжона қонунчилиги ва ушбу Низом талабларига риоя этиши юзасидан назоратни таъминлайди.

37. Давлат божжона хизмати органлари ушбу Низомда белгиланган тартибда оператор декларант бўлган товарларга нисбатан божжона операцияларини амалга оширади.

38. Божжона органлари махсус соддалаштирилшарни қўллашда, шу жумладан божжона қонунчилигини қўллаш масалалари юзасига келганда, операторлар билан ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида бундай ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш учун координаторларни белгилаши мумкин.

13-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

39. Давлат божжона хизмати органлари мансабдор шахсларнинг қарорлари, шунингдек, ҳаракатлари (харакатсизликлари) юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиниши мумкин.

40. Давлат божжона хизмати органлари айрим операторларга қайд этилган фаолиятни амалга ошириш учун бошқа имтиёзли шароитлар яратишга ҳақли эмас.

41. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА УНГА ТУШУНТИРИШЛАР МАТНИНИ ТАН ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарори икросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагиларни назарда tutувчи Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича экспертиза комиссиясини шакллантириш тартиби;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатларини ушбу ҳужжатлардан фойдаланувчилар ва илмий жамоатчилик вакиллари билан муҳокама қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатларини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, куйидаги тадбирлар доимий равишда амалга оширилишини таъминласин:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатлари матнидан давлат тили ва бошқа тилларда фойдаланишга рухсат олиш мақсадида молиявий ҳисоботнинг халқаро стан-

дартлари фонди билан шартнома шартларини кўриб чиқиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатларининг давлат тилидаги матнини мазкур ҳужжатлардан фойдаланувчилар, илмий жамоатчилик вакиллари билан муҳокама қилиш;

мутахассислар муҳокамалари натижасида келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш ва зарурат бўлганда, давлат тилига таржима қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатлари матнини қайта кўриб чиқиш;

халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатларини қўллаш амалиёти бўйича тизимли равишда семинар-тренинглар ўтказиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А.Ишметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 24 август
507-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 24 августдаги 507-сон қарорига
ИЛОВА

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА УНГА ТУШУНТИРИШЛАР МАТНИНИ ТАН ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (кейинги ўринларда – МҲХС фонди) томонидан қабул қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар (кейинги ўринларда – МҲХС ҳужжатлари) матнига МҲХС фонди томонидан қабул қилинган куйидаги ҳужжатлар кирди:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига тушунтиришлар;

МҲХС ҳужжатлари матнига киритиладиган ўзгартиришлар;

МҲХС ҳужжатлари матнининг ажралмас қисми сифатида МҲХС фонди томонидан белгиланган бошқа ҳужжатлар.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун МҲХС ҳужжатларини тан олиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Молия вазирлиги) томонидан МҲХС фонди билан МҲХС ҳужжатларини давлат тилига таржима қилиш ва бошқа тилларда фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун шартнома тузиш;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.08.2020 йилдан кучга кирди.

ЯТТ УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШГА ЎТИШИ ШАРТЛАРИ

? Якка тартибдаги тадбиркор 2020 йил февралда рўйхатдан ўтказилган. Февраль ойи учун даромад 200 млн сўмни ташкил этган. Шу боис 2020 йил март ойидан ЯТТ айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтган. 2020 йилнинг III чораги якунлари бўйича ЯТТ даромади 1 млрд сўмдан ошиши мумкин. 1. ЯТТ нимага асосан рўйхатдан ўтган ойда солиқ тўламаслиги мумкинми? 2. ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиш учун 1 млрд сўмни ҳисоблашда ЯТТ рўйхатдан ўтган ойдаги (2020 йил февраль) даромади ҳам қўшиладими?

1. Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаш хоҳишини билдирган якка тартибдаги тадбиркор солиқни ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнанинг 15-санасидан кечиктирмай тўлайди. ЯТТ қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни у тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади (СК 392-м. 1, 2-қ.).

2. Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 1 млрд сўмдан ошганда ЯТТ ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади (СК 461-м. 1-қ. 2-б.).

ЯТТ 2020 йил февралда рўйхатдан ўтказилганлиги боис календарь йил учун даромадни ҳисоблашда февраль ойидаги даромад ҳам ҳисобга олинади.

АВ ТЎЛИҚ АМОРТИЗАЦИЯ ҚИЛИНГАН БЎЛСА...

? Бизнинг МЧЖ тўлиқ амортизация қилинган бинога эга.

МЧЖ мол-мулк солиғи солиш мақсадларида тўлиқ амортизация қилинган бинони қайта баҳолаши лозимми?

– Кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солиқ солиш объекти ҳисобланади (СК 411-м. 1-қ.).

Биноларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати улар бўйича солиқ базаси ҳисобланади. Тўлиқ амортизация қилинган бино бўйича унинг 3 йилда камида 1 марта аниқланган қайта баҳоланган (бозор) қиймати солиқ базасидир (СК 412-м. 1-қ. 1-б.).

Бунда бино тегишли бўлган корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли аҳамиятга эга бўлмайди.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

АВНИ БОЗОР ҚИЙМАТИДАН ПАСТ НАРХДА СОТИШ

? Корхона квартирани 3 000 000 сўмлик қолдиқ қиймати бўйича реализация қилаяпти. Квартиранинг бозор қиймати – 290 000 000 сўм. СКга мувофиқ ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда бозор қиймати бўйича солиқ солиниши лозим.

Квартиранинг бозор қийматидан анча фарқ қиладиган унинг қолдиқ қиймати бўйича реализация қилишни расмийлаштиришда солиқ оқибатлари ва бухгалтерия провоткалари қандай бўлади?

Қўшилган қиймат солиғи

Квартира – корхонанинг асосий воситаси солиқ солиш мақсадида товар деб эътироф этилади (СК 45-м.). 248-моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҚҚС бўйича солиқ базаси унга солиқни киритмаган ҳолда, битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати сифатида аниқланади (СК 248-м. 1-қ.).

Бунда битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли бўлади. Солиқ тўловчи бундай

қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолаштиришга ҳақли (СК 248-м. 4-қ.).

Сизнинг ҳолатда битим қиймати 3 млн сўм ушбу мол-мулкнинг бозор қийматидан қарийб 100 баравар пастдир. ҚҚС битим қиймати – 3 млн сўмдан ҳисобланадиган бўлса, солиқ органи томонидан ҚҚС солиш мақсадларида солиқ базаси қайта қўриб чиқиши хавфи анча юқори бўлади. Шу боисдан эксперт ҚҚС бўйича солиқ базасини аниқлаш масаласини муаллифнинг танловига қолдиради. Корхона реализация қийматини 3 млн сўм деб аниқлайдиган бўлса, ҚҚС 450 минг сўмни (3 млн сўм x 15%), бозор қийматидан аниқланадиганда – 43 500 минг сўм (290 млн сўм x 15%) ташкил этади. Сиз кўрсатган қиймат ҚҚСни ўз ичига олган бўлса, тегишинча, улардан ҚҚС суммаси чиқариб ташланади.

Фойда солиғи

ҚҚСдан фарқли ўлароқ, фойда солиғи бўйича солиқ солиш мақсадларида даромад бозор қийматига тузатилмайди. Солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан

электрон ҳужжатлар, шунингдек солиқни ҳисобга олишга доир ҳужжатлар асосида аниқланадиган даромадлар солиқ базасини аниқлаш учун жами даромадга киритилади (СК 297-м. 4-қ.).

АВ ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад деб бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган уларнинг чиқиб кетишидан олинган фойда эътироф этилади (СК 298-м.). Молиявий натижа (фойда ёки зарар) Асосий воситалар қийматини баланسدан ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ рақами 1401, 29.08.2004 й.) мувофиқ аниқланади.

АВни реализация қилишдан олинган фойда фойда солиғини ҳисоблашда корхонанинг жами даромадига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 6-б., 298-м.). АВни реализация қилишдан қўрилган зарар СК 305-моддаси бўйича чегириб ташлаш асосларига мувофиқ келса, фойда солиғини ҳисоблаш чегириб ташланиши лозим.

АВни реализация қилишда провоткалар Низомнинг «Реализация қилинган асосий воситалар қийматини баланسدан чиқариш тартиби» деб номланган 3-параграфидан келтирилган.

Замира ЖЎРАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

УСКУНА ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ

? Солиқ органи корхонанинг мол-мулк солиғи бўйича ҳисоботини таҳлил қилиб солиқ базасига ускуна ва ўлчов асбоблари қийматини киритишни талаб қилди. Шу тўғрисида?

– Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ объекти кўчмас мулк ҳисобланади (СК 411-м.).

Фуқаролик кодексига мувофиқ кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараклар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар ет-

казмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар кирди (ФК 83-м.).

Бироқ солиқ солиш мақсадларида кўчмас мулк жумласига қуйидагилар кирди:

• кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар;

нинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан 24 ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар кирди;

• темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мақзур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

• қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин 6 ой ўтган.

Қўриб турганимиздек, ушбу рўйхатга ускуна ва ўлчов асбоблари киритилмаган. Бундан келиб чиқадиган бўлса, солиқ органининг талаби нотўғри.



Қуйидаги кўчмас мулк объектлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди:

- нотижорат ташкилотлари томонидан нотижорат фаолиятини амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган объектлар;
- турар жой-коммунал хўжалигининг ва белгиланган мақсади бўйича фойдаланиладиган бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги объектлари;
- умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари;
- суворини ва коллектор-дренаж тармоқлари;
- солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар;
- табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектлар;
- ер участкалари.

! Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби махсус Низомда (ВМнинг 29.12.2018 йилдаги 1060-сон қарорига 1-илова) белгиланган. Масалан, қурилиш даврида вақтинча фойдаланиш учун барто этилган вақтинчалик қурилмаларга бўлган ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилмайди. Сизда у ёки бу бино (иншоот) рўйхатдан ўтказилиши юзасидан шубҳа тугилса, кадастр органига расмий сўров билан мурожаат этишни тавсия қиламиз.

• қурилиши тугалланмаган объектлар. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойи-

ҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилиш-

Олег ЦОЙ, «Norma» МЧЖ эксперти.

Солиқ органлари назорат-касса техникаси ва савдо терминаллари қўлланилишини янги қоидаларга (Низом, АВ рақами 3247, 18.06.2020 й.) асосланиб текширадилар. Vixgalter.uz илтимосига кўра Гулнора ЭРГАШЕВА текширув пайтида қандай қилиб ўзига ортикча эътиборни тортмаслик ва ўзини тўғри тутиш кераклиги хақида гапириб берди.

Текширув пайтида нимани кидирадилар?

– НКМ ва тўлов терминалларининг қўлланилиши доим текширувчиларнинг эътибор маркази бўлган. Кўп ҳолларда қуйидаги далиллар жарималар ёзилиши учун асос бўлган:

- бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган терминаллар ва НКМдан фойдаланиш;
- тўловни терминал орқали қабул қилишдан бош тортиш;
- чекларни бермаслик;
- нархларни сунъий равишда пасайтириш ёки ошириш;
- терминаллар ва НКМга қўйилмаган талабларни бузиш.

Онлайн-технологияларга ўтилганидан сўнг ушбу рўйхат кенгайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ ўрнатиб олиб, фискал хотирали НКМдан фойдаланишда давом этмокдалар. Ўзларини оқлаш учун одатда эски НКМни қачон ва қандай қилиб қўллашни тўхтатиш кераклигини бизга ҳеч ким айтмади, дейдилар.

Президентнинг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (06.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон) айтилишича, тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тақдирда уларга нисбатан амалдаги фискал хотирали НКМни ишлатиш бўйича мажбуриятлари бекор қилинади (3-б «а» кичик банди). Бунда Фармон билан онлайн-НКМдан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш графиги белгиланганини ёддан чиқармаслик лозим. Техник хизмат кўрсатиш маркази тадбиркорга онлайн-кассалар солиқ органларида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида маълумотларни тақдим этганидан кейин у онлайн-НКМ ёки виртуал касса билан ишлаш бошлаши керак.

Терминалдан фойдаланиб ҳисоб-китоб қилганда касса чекини бермаслик – бошқа муаммо. Қонунга кўра бу ҳолда сотувчилар доим касса чекини беришлари керак, у НКМ ёрдамида уриб берилди. Амалиётда эса одатда фақат терминал – пластик карталар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш учун жиҳознинг чеки берилди.

ПФ-5813-сон Фармон эълон қилиниши билан аниқ норма белгиланди: тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун харидорларга тўлов терминали чеки билан бирга онлайн-НКМ ёки виртуал касса чеки ҳам берилиши шарт. Бироқ амалиётда ҳали кўп нарса ўзгармади. Харидорлар ҳам НКМ чекини савдо шохобчаси кассасида берилмаган бошқа қоғозлардан фарқлай олмасалар керак. Яқин орада вазият ўзгаради деб ўйлайман: ДСҚ ютукли ўйин доирасида онлайн-НКМ чеки қандай кўринишда бўлишини батафсилроқ тушунтира бошлади.

Солиқ органлари назорат-касса техникаси ёки тўлов терминаллари қўлланилишини текшира бошлашлари учун уларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида ахборот келиб тушишининг ўзи кифоя. Касса чекини бермаслик – жуда объектив ва салмоқли асос. Фақат аноним мурожаат ва шикоятлар кўриб чиқилмайди.

Қуйидаги ҳолларда ҳам назорат-касса техникасини текширишлари мумкин:

• «Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти натижасига кўра аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлмаган солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) фаолиятидаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

• ОАВда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

• камерал солиқ текшируви жараёнида аниқланган тафовут ва хатоларни солиқ органи жойлашган жойдан ташқарида ўрганиш зарурати юзага келганда.

Қандай текширадилар?

Назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш назорат харидини амалга ошириш йўли билан ва (ёки) савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида бевосита текширув ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу текширувларнинг ўтказилиши Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланган. Текширувчилар эса қоидаларга қатъий амал қилишлари шарт, акс ҳолда солиқ тўловчи текширув ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган ҳолда ўтказилгани сабабли унинг натижаларини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Амалдаги қоидалар олдингисидан анча фарқлинишни қайд этиб ўтмоқчиман. Хусусан, 2020 йилга қадар назорат харидини жисмоний шахслар солиқ органи билан келишиб, уларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширганлар. Энди эса ушбу харидни ўтказишда фойдаланиш учун нақд пул маблағлари ДСҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ажратилиши керак.

Текшириш қоидалари

Текширув солиқ органи раҳбарининг (рахбар ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади. Буйруқда қуйидагилар кўрсатилади: солиқ тўловчининг номи, текширувчи шахсларнинг Ф.И.О. ва лавозими, текширувни ўтказиш муддати ва мақсади.

Солиқ органлари сайёр текширувларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда-



ги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил билан келишган ҳолда ўтказиладилар. Текширувчи текширувини бошлашдан аввал Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдириши керак. Бундай қилмаса, солиқ тўловчи уни ўз худудига киритмасликка ҳақли бўлади.

Солиқ тўловчи қонуний асосларга эга бўлмай туриб текширувчининг ўз худуди ва биноларига киришига тўсқинлик қилса, у белгиланган шаклда далолатнома тузади. Ушбу далолатнома асосида солиқ органи солиқ тўловчи тўғрисида ўзида мавжуд бўлган (худди шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги) маълумотлар асосида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини мустақил тарзда аниқлашга ҳақли.

Текширув 10 иш кунигача бўлган муддатда ўтказилиши мумкин.

Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича солиқлар ва йиғимлар ҳисобланмайди. Бунда уни ўтказиш давомида олинган ҳужжатлар ва ахборотлардан камерал солиқ текширувини ўтказишда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек ҳуқуқбузарлик далили бўйича СК 221-моддасида назарда тутилган санкциялар қўлланилади. Жарима миқдори ҳуқуқбузарликка қараб 5 млн сўмдан 20 млн сўмгача бўлиши мумкин.

Текширув тури	Мақсади	Қоидалар
Назорат хариди	Қуйидагилар текширилади: • назорат-касса техникалари ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларидан харидорларга касса чеки берилиши; • банк карталари орқали тўловлар қабул қилиниши; • тўловлар шаклига қараб (нақд, нақдсиз) нархлар сунъий равишда оширилиши ёки пасайтирилиши ҳолатлари мавжудлиги	Назорат харидини амалга оширишда қуйидагилар жалб қилиниши мумкин: • солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида мурожаат этган жисмоний шахс (юрidik шахснинг ишончли вакили); • «Холис харидор» хизматини кўрсатувчи юридик шахс вакиллари; Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси вакиллари. Назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун нақд пул маблағлари ДСҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ажратилади. Текширувчига солиқ органи кассасида расмийлаштирилган нақд пул маблағларининг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари қайд этилган ва чиким касса ордерида илова қилинган варақ нусхаси берилди. Текширув якунлангандан сўнг: • текширилган солиқ тўловчи назорат харидини ўтказишда фойдаланилган пул маблағларини текширувчига қайтаради, у эса уларни солиқ органи кассасига тўлиқ топширади; • назорат харидини ўтказишда харид қилинган товарлар солиқ тўловчига қайтариб берилди (бунинг имкони бўлган тақдирда). Назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги баённоманинг бир нусхаси солиқ тўловчига имзо қўйдириб топширилади. Баённомани олишдан бош тортиган ҳолларда ушбу ҳақида баённомага тегишли ёзув киритилади.

ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ

Текширув тури	Мақсади	Қоидалар
Савдо, умумий оқват-ланиш ёки хизмат кўрсатиш шоб-часида бевосита текширув ўтказиш	Куйдаги далиллар аниқланади: <ul style="list-style-type: none"> • конун ҳужжатларига мувофиқ назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминали билан жиҳозланганлиги, шу жумладан, уларнинг солиқ тўловчи номига ва объект манзили бўйича расмийлаштирилганлиги; • қўлланилаётган назорат-касса машиналарининг Давлат реестрига киритилганлиги; • назорат-касса техникасининг техник талабларга мувофиқлиги; • назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўллаш қоидаларига риоя этилиши 	Текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади. Солиқ тўловчи томонидан бошқа солиқ тўловчига тегишли назорат-касса техникалари ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш ҳолати аниқланган тақдирда, сайёр солиқ текшируви далолатномасига улардан олинган харид чеки нусхаси, ҳисоб-китоб терминалининг русуми ва завод рақами тўғрисидаги маълумот ҳам киритилади. Техник талабларга жавоб бермайдиган, Давлат реестрига киритилмаган ёхуд бошқа солиқ тўловчига тегишли бўлган, шунингдек фискал хотирага хизмат кўрсатувчи дастурий маҳсулоти (версия) бузилган назорат-касса техникаси мавжудлиги аниқланган тақдирда, текширувчи баённома тузади. Ушбу назорат-касса техникаси вақтинча олиб қўйилади.



Бундан ташқари, куйдагиларни назарда тутиш лозим:

1. Текширувчилар асосий воситалар, ТМҚ, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни инвентарлашни талаб қилишлари мумкин. Солиқ тўловчи 19-сон БҲМСтга (АВ рақами 833, 2.11.1999 й.) мувофиқ ушбу талабни бажариши шарт.

2. Ҳужжатларни олиб қўйиш қарор асосида – албатта ҳолислар иштирокида ва видеотасвирга туширилган ҳолда фақат куйдаги ҳолларда амалга оширилади:

- сайёр солиқ текширувини ўтказишда талаб қилинган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан тақдим этилиши рад этилганда ёки белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

- ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари етарли бўлмаса ҳамда солиқ органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, ўзгартирилиши ёки алмаштириб қўйилиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса.

Солиқ тўловчи уларни ўз ихтиёри билан топширишни рад этган тақдирдагина олиб қўйиш мажбурий тарзда амалга оширилади. Олиб қўйиш далили бўйича белгиланган шаклда баённома расмийлаштирилади.

3. Текширувчи текширув натижалари бўйича белгиланган шаклда 2 нусхада далолатнома тузади, уни ўзи ва солиқ тўловчи имзолайди. Бир нусхаси солиқ тўловчига имзо қўйдириб топширилади.

Далолатномага куйдагилар илова қилинади:

- сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари;

- текширув давомида расмийлаштирилган ҳужжатлар;

- эксперт ва мутахассислар хулосалари;

- сайёр солиқ текшируви давомида олинган материаллар;

- сайёр солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатларнинг бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

ОлеГ ГАЕВОЙ
тайёрлади.

Текширув ўтказиш давомида солиқ тўловчилар:

Куйдаги ҳуқуқларга эга	<ol style="list-style-type: none"> 1) текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхасини олиш, ходимларнинг хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномаси билан танишиш; 2) сайёр солиқ текширувини ўтказиш жараёнида вакил орқали ёки шахсан иштирок этиш; 3) сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсдан «Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон ёки қоғоз шаклини тўлдиришни талаб қилиш, тўлдиришдан бош торган тақдирда эса – ўзининг худуди ва биноларига киришга йўл қўймаслик; 4) сайёр солиқ текшируви жараёнини фото ва видеотасвирга олиш; 5) сайёр солиқ текшируви материаллари билан танишиш ва нусха олиш; 6) сайёр солиқ текширувини амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш; 7) сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш; 8) ўз манфаатларини шахсан, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ёки бошқа вакиллари орқали ҳимоя қилиш. Солиқ тўловчилар Солиқ кодекси ва солиқ тўғрисидаги бошқа конун ҳужжатларида белгиланган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин
Куйдаги мажбуриятларга эга	<ol style="list-style-type: none"> 1) сайёр солиқ текширувини ўтказиётган солиқ органларининг мансабдор шахсларига текширув билан боғлиқ ҳужжатлар, шунингдек электрон манбаларда сақланган тегишли ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаш; 2) солиқ органларининг текшириш билан боғлиқ қонуний талабларини бажариш, улар мансабдор шахсларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслик. Солиқ тўловчиларнинг зиммасида конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин

Солиқ органларининг мансабдор шахслари:

Куйдаги ҳуқуқларга эга	<ol style="list-style-type: none"> 1) солиқ тўловчининг сайёр солиқ текширувга тааллуқли маълумотлари ва ҳужжатларини ўрганиш ҳамда ушбу ҳужжатлардан солиқ органи ҳисобидан нусха олиш; 2) солиқ тўловчи томонидан бухгалтерия, товарлар (хизматлар) ҳаракати ҳисобини юритишда фойдаланилаётган дастурий таъминотлардаги маълумотлар билан танишиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда улардан солиқ органи ҳисобидан нусха олиш; 3) солиқ тўловчининг худудини, ишлаб чиқариш, оморхона, савдо биноларини ва бошқа биноларини, шу жумладан, солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланган ёки солиқ солиш объектиларини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечириш ҳамда фото ва видеотасвирга тушириш; 4) мол-мулкларни хатловдан ўтказиш; 5) текширувга мутахассислар, экспертлар, таржимон, ҳолисларни жалб этиш ҳамда улардан тегишли хулосалар, таржималар ва кўрсатмалар олиш; 6) ишлаб чиқарилаётган ҳамда реализация қилинаётган товарларнинг (хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш; 7) ҳисоб-китобларни амалга оширишда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини, шунингдек назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминалларидаги қўлланилишини текшириш; 8) солиқ органларининг мансабдор шахсларини текширув ўтказилаётган ҳудуд ва (ёки) бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишганда, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўриш; 9) солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш
Куйдаги мажбуриятларга эга	<ol style="list-style-type: none"> 1) солиқ текшируви бошлангунига қадар (назорат касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текширишда – текширув жараёнида) солиқ тўловчини ёки унинг вакилини сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириш ва буйруқ нусхасини уни олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этиш; 2) солиқ тўловчини ёки унинг вакилини текширув мақсади билан таништириш, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатиш; 3) тадбиркорлик субъектида «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» мавжуд бўлган ҳолларда, унинг электрон ёки қоғоз шаклини тўлдириш; 4) сайёр солиқ текширувини ўтказиш вақтида солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, текширув устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки тадбиркорлик субъектларининг бошқа тегишли бирлашмаларини жалб қилишга ҳақиқатини тушунтириш; 5) ўтказилган текширув натижалари билан солиқ тўловчини таништириш; 6) текширувларнинг натижалари у тамомлангандан кейин 3 кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилишини таъминлаш; 7) ўз ваколатлари ва текширув буйруғида белгиланган текширув мақсадлари доирасидан чиқмаслик. Солиқ органларининг зиммасида конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИ.ПИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани,
Т.А.Т.имаржон кўч., 1/Д,
Тел. (998 71) 200-00-90,
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

ВАКОЛАТЛИ ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАТОРЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

1-бетда соддалаштиришлар рўйхатини ҳамда тегишли Реестрга киритиш учун танлаш мезонларини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 24 август куни Хукуматнинг «Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 500-сон қарори қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор ВИО фаолиятини ташкил этиш тартибини аниқ белгилаш ва махсус соддалаштиришлар рўйхатини кенгайтиришни назарда тутмоқда. Эндиликда мазкур институт жаҳон стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштирилади. Хусусан, тегишли Реестрга киритиш тўғрисидаги гувоҳнома жорий этиш, Реестрга киритиш учун танлаш мезонларини ва тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Мухим ўзгаришлардан яна бири шундаки, ВИО мақomini эндиликда турли тоифадаги юридик шахслар олишлари мумкин. Масалан, ҳозирга қадар бундай оператор мақomini фақатгина товарлар экспорт ва импорти амалга оширувчи ТИФ қатнашчилари олиш имкониятига эга бўлган бўлса, бундан буён бу мақomini божхона омбори эгалари, божхона брокерлари ҳамда божхона ташувчилари ҳам олишлари мумкин.

Қарордаги муҳим янгиланган бири сифатида халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритиш тўғрисидаги «А»-ва «Б» тоифаларининг бекор қилингани ҳамда янги кўринишда 3 турдаги гувоҳномалар жорий этилаётганини эътироф этиш мумкин.

Реестрга киритиш учун танлаш мезонларини соддалаштириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан 227²²-молданинг иккинчи қисми чиқариб ташланди.

ВИОлар учун божхона юк декларацияси тақдим этилгунга қадар товарларни чиқариб юбориш бўйича янги махсус соддалаштириш жорий этилмоқда.

Низомда Реестрга киритиш тўғрисида аризани бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби, божхона операцияларини амалга ошириш учун махсус соддалаштиришлар турлари, операторларни ўзаро тан олиш, оператор мақomini тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш, Реестрдан чиқариш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат божхона хизмати органларининг операторлар билан ўзаро ҳамкорлиги батафсил ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ВИО бўла олмайд.

Эслатиб ўтамиз, ВИО божхона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш учун юридик шахсларга бериладиган мақом бўлиб, ундан фойдаланиш юридик шахсни Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилганлик тўғрисидаги гувоҳнома асосида амалга оширилади.

Гувоҳнома белгиланган шаклга мувофиқ электрон тарзда тузилади, оператор мақomini тасдиқлайди ва божхона операцияларини амалга оширишда махсус соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради. У QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган электрон ҳужжат ҳисобланади.

Ваколатли иқтисодий операторлар реестри - божхона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган ва гувоҳномага эга бўлган юридик шахсларнинг рўйхати Давлат божхона қўмитаси томонидан шакллантирилади ва қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади.

Қарор 2020 йилнинг 26 ноябрдан эътиборан кучга киради.

Азизбек МУҲСИНОВ,

ДБК Божхона маъмуриятчилигининг илгор ва инновацион усулларини жорий этиш бошқармаси бўлим бошлиғи.

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНИБ...

✓ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



Бугунги синовларга бой даврда асосий мақсад – макрониктисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишдан иборат. Бу борада мамлакатимиз раҳбарининг бир қатор фармонлари ҳам қабул қилинган.

Сирдарё вилояти божхоначилари вилоят солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятда фаолият кўрсатаётган ТИФ қатнашчиларига мазкур фармонларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида учрашувлар уюштириб келмоқда. Шундай учрашувларнинг навбатдагиси карантин шароитида барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда «Wellfort» МЧЖда ўтказилди. Учрашув давомида солиқ ва божхона бошқармаларининг масъул ходимлари жамият вакилларига қонунчиликдаги янгиланган ўзгаришлар, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун берилаётган имтиёз ва қулайликлар, божхона назоратини соддалаштириш, тўловларни кечиктириб тўлаш, шунингдек жорий йил 27 июль куни юртбошимиз раислигида яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан атрофлича тушунтиришлар берилди.

– Қарийб 800 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонамизда бир кунда 15 мингдан 22 минг донагача 7 хилдаги трикотаж маҳсулот-

лари ишлаб чиқарилади, - деди МЧЖ раҳбари Алижон Эрматов. - Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари бизнинг корхонага ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Яқин истикболда кўшимча иш ўринларини яратиш ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш лойиҳалари доирасида бир неча хорижий ҳамкорлар билан кўшимча шартномалар имзолади.

МЧЖ 2019 йилда 5,1 млн АҚШ доллари қийматидаги қарийб 2,1 млн дона ва 2020 йилнинг 7 ойида 3,1 млн АҚШ доллари қийматидаги 1,2 млн дона тайёр трикотаж маҳсулотлари Россия, Туркия, Нидерландия, Италия, Беларусь ва Қозғистонга экспорт қилинган.



ШИФОКОРЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ УЛАШИЛДИ

✓ ШУКУҲ

Энг улғу, энг азиз айём – давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида Сирдарё вилояти ОИТС-га қарши кураш ва санитария-эпидемиологик осойишталик марказларида барча карантин талабларига риоя этган ҳолда коронавирус инфекциясига қарши курашда фаол иштирок этган соҳа ходимларининг бир гуруҳига вилоят божхона бошқармасининг faxрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Карантин қоидалари юмшатиш бўлсада, нафақат юртимиз, балки дунё бўйлаб ҳамон пандемия хавфи таҳликалигича сақланиб турибди. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, беморларни даволашда тиббиёт ходимларининг хизмати бекиёс бўлмоқда.

– Марказимизда айни пайтда 107 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда, – дейди ОИТС-га қарши курашиш Сирдарё вилояти маркази бош шифокори Валижон Шерматов. – Пандемия даврида вирус юқтириб олиш хавфи мавжудлигини била туриб, ҳеч бир ходим ўзига юклатилган вазифасидан қочмади. Касбига содиқ, чин дилдан меҳнат қилди. Уларнинг ҳар бирининг фидойилиги таҳсинга лойик.



Пандемия бошлангандан буён энг замонавий диагностика воситалари ва зарур тиббий лаборатория жихозлари билан тўлик таъминланган вилоят ОИТС маркази мутахассислари томонидан «COVID-19»га 5 994 тест синови ўтказилган бўлса, ОИТС-ни аниқлаш бўйича 65 мингта тест олинди.

– Гап совғада эмас, эътиборда, – дейди СЭОМ вирусология лабораторияси мудир Дилфуза Аҳмедова. – Бир оғиз ширин сўз, бир даста гул, бир варақ ташаккурнома билан инсон қалбидо, руҳиятида қанчалик улкан кўтаринкилик пайдо бўлади. Буни англаш, ҳис қилиш учун руҳшунос олим бўлиш шарт эмас. Бирор бир ватандошимиз шифокорларимиз томонидан кўрсатилган муолажалар сабаб соғлом бўлиб ҳаётга қайтганини эшитишнинг ўзи биз учун улкан шараф!

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

МЧШ (маъсуляти чекланган ширкат) (Қозғистон) тоғ-кон ишларини бажариш учун Ўзбекистондан бўлган порезидент компания билан 5 йиллик шартнома тузишни режалаштирмоқда. Хизматлар Ўзбекистон ҳудудида кўрсатилади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда доимий муассасани ёки шубба корхонасини (МЧЖ) очмоқчимиз. Ишларни бажариш учун МЧШ Ўзбекистонга транспорт воситаларини (бульдозерлар, экскаваторлар, самосваллар); ўз техникасини сақлаб туриш мақсадида эҳтиёт қисмлар, шиналар, узел ва агрегатларни олиб кирмоқчи. Шундан келиб чиқиб, бир қатор саволларимизга жавоб беришингизни илтимос қиламиз.

Ёзма мурожаатда келтирилган саволларга Давлат божхона қўмитасининг божхона назорати ва божхона тўловларини ташкил этиш бошқармалари томонидан жавоблар тайёрланди.

ВАҚТИНЧАЛИК ОЛИБ КИРИШ РЕЖИМИГА РАСМИЙЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

Ўзбекистонга тоғ-кон-транспорт ускуналарини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби қандай (қандай ҳужжатлар зарур бўлади)?

Ўзбекистонга олиб кириладиган ускуналар (ишлар бажариладиган жой бўйича қайси органда) рўйхатдан ўтказилади?

Ушбу транспорт махсус техникасини олиб киришда мамлакатимиз порезиденти томонидан уни **вақтинча олиб кириш божхона режимига** расмийлаштириш лозим. Бу режимда товар божхона ҳудудида муайян муддатга олиб кирилади ва божхона тўловларидан шартли озод этилган ёки даврий божхона тўловлари тўланган ҳамда иктисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда ундан вақтинча фойдаланилади.

Товарни вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштириш БКнинг 11-боби қоидаларига мувофиқ божхона органи томонидан берилладиган рухсатномага асосан амалга оширилади.

Ушбу режимда товарлар мамлакатимиз ҳудудида вақтинча бўлиши ва белгиланган муддат мобайнида ўзгармас ҳолатда фойдаланилиши назарда тутилган. Бирок мазкур шарт амалиётга тўғри келмаслиги мумкин, сабаби вақтинча олиб кирилган техника фойдаланиш жараёнида эскиради. Шу боис транспортнинг бут сақланишини таъминлаш учун зарур операцияларни, шу жумладан майда таъмирлаш ва модернизация қилиш мустасно, техник хизмат кўрсатиш ва уни соз ҳолатда сақлаб туриш учун зарур бошқа операцияларни амалга оширишга йўл қўйилади. Бунда ушбу операцияларни амалга ошириш натижасида товар қиймати унинг вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилган пайтдаги қийматига нисбатан ошиб кетмаслиги лозим.



«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз **Гулнора АБДУНАЗАРОВА** олиб боради.

✉ ПОЧТА ҚУТИСИ



Товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши лозим бўлса, ушбу органларнинг рухсатномалари божхона органларининг ахборот тизимида мавжуд бўлиши шарт. Асосийси, республикадан олиб чиқиб кетишда вақтинча олиб кирилган товарлар божхона органлари томонидан идентификацияланиши мумкинлиги ҳисобланади (БК 62-м.).

Товарни вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштириш рухсатномаси амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда бериллади.

Вақтинча олиб кириш муддати товар ушбу режимга жойлаштирилган санадан эътиборан 2 йилни ташкил этади. Товарни вақтинча олиб кириш режимига жойлаштирилган шахс мазкур божхона режимини унинг амал қилиш муддати ўтганига қадар БКнинг 64-моддасига мувофиқ тугаллаш ҳуқуқига эга.

Куйидаги товарларнинг вақтинча олиб кириш муддати ваколатли шахснинг аризаси асосида божхона органи томонидан 2 йилдан кўпроқ муддатга узайтирилиши мумкин:

- даврий божхона тўловлари тўлиқ тўланган товарларнинг;
- имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаши ёки мулк ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтиши муносабати билан вақтинча олиб киришнинг бундан буёнги муддатида даврий божхона тўловларини тўлаш зарурати пайдо бўладиган товарларнинг;
- товарни (ишларни ва хизматларни) импорт қилишга доир контракт (шартнома, келишув) шартлари бўйича кафолат муддати давомида хизмат кўрсатиш ва нуқсонларни бартараф этиш учун олиб кириладиган товарларнинг (божхона ҳудудида қолдириш учун мўлжалланган товарлар бундан мустасно). Бундай товарларни вақтинча олиб киришга кафолат даври муддатида йўл қўйилади;
- ЎЗР ВМнинг айрим қарорлари асосида вақтинча олиб киришнинг узокроқ муддати белгиланган товарларнинг.

Вақтинча олиб кириш божхона режимининг муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза божхона органига вақтинча олиб кириш божхона режимининг амал қилиш муддати тугагунга қадар берилиши керак. Муддатни узайтириш товарни вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштириш рухсатномасини бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ваколатли шахс томонидан божхона органига ариза берилганлиги вақтинча олиб кириш муддатини узиб қўймайди ва тўхтатиб турмайди. Вақтинча олиб кириш божхона режимининг амал қилиш муддати узайтирилганда бошқа божхона декларацияси тақдим қилинмайди.

БКнинг 63 ва 133-моддаларига мувофиқ товарни ушбу режимга жойлаштиришга рухсатнома олиш учун ваколатли шахс товар қайси божхона органи фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса, уша органга куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- БЮД;
- товарнинг кузатув ҳужжатлари;
- товарни етказиб бериш ёки топшириш тўғрисидаги контракт (шартнома, келишув) (товар ижара, лизинг шартномаси, кафолатли хизмат кўрсатиш ва инвестиция лойиҳаси доирасида вақтинча олиб кирилган ҳолларда);

Маълумот учун. Вақтинча олиб кириш учун рухсат берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган товарга нисбатан божхона органлари томонидан уларнинг божхона ахборот тизимида мавжудлиги мустақил текшириб кўрилади.

Вақтинча олиб кириладиган айрим товарларга нисбатан божхона божлари ва солиқлардан шартли озод этиш қўлланилишига эътибор қаратамиз. Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.2016 йилдаги 212-сон қарори билан Божхона божлари ва солиқлар тўлашдан шартли озод этиш, озод этиш шартлари, шунингдек имтиёзларнинг амал қилиш муддатлари қўлланиладиган вақтинча олиб кириладиган товарлар рўйхати тасдиқланган.

Вақтинча олиб кириш божхона режими вақтинчалик олиб кириш муддати тугайдиган кундан кейинги кундан кечиктирмай товар олиб кирилиши ёки бошқа божхона режимига жойлаштирилиши билан якуланиши лозим.

Товарни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштириш билан вақтинча олиб кириш режими якулланганда ва даврий божхона тўловлари тўланганда товарни эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштириш учун божхона йиғимлари тўланган ҳолда БЮД расмийлаштирилади.

Маълумот учун. Эркин муомалага чиқариш (импорт) режими шундай режими, бунда божхона ҳудудида олиб кирилган товар уни ушбу ҳудуддан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз иш эрда эркин муомалада қолади (БК 55-м.).

«Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимидан олиб кириладиган товарларни божхона расмийлаштириш чоғида божхона органига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- божхона юк декларацияси;
- товарнинг кузатув ҳужжатлари, қадоқлаш ва рағи бундан мустасно;
- товарнинг келиб чиқиш сертификати (манфаатдор шахснинг хоҳишига кўра ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бундай зарурат назарда тутилган ҳолларда) (Рўйхатнинг II бўлими, ВМнинг 20.07.2015 йилдаги 197-сон қарори билан тасдиқланган).

Ваколатли шахс товарни реэкспорт режимига жойлаштириш билан вақтинчалик олиб кириш

16-бетда

← 15-бетда режимини яқунламокчи бўлса, бу божхона органи томонидан БКнинг 21-боби қондаларига мувофиқ бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади.

Резекспорт божхона режими шундай режимки, бунда божхона ҳудудига илгари олиб қилинган товар божхона ҳудудидан божхона божлари ва солиқлар тўланмаган, товарга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда, БКнинг 35-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса уни олиб киришда тўланган божхона божлари ва солиқлар суммалари қайтарилган ҳолда олиб чиқилади (БК 32-м.).

УТИЛИЗАЦИЯ ЙИҒИМИ

? *Ўзбекистонга олиб кириладиган ТМЗ, шиналар, эҳтиёт қисмлар, узеллар ва агрегатлар учун утилизация йиғими мавжудми? Мавжуд бўлса, йиғим миқдори қандай?*

– Вазирлар Маҳкамасининг 2.06.2020 йилдаги 347-сон қарори билан **1 августдан** гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғими жорий этилган.

Транспорт воситаларини импорт қиладиган (эркин муомалага чиқарадиган) жисмоний ва юридик шахслар ёки ЎЗР ҳудудига сотиладиган гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамаларини ишлаб чиқарадиган (ийнадаган, тайёрлайдиган) юридик шахслар утилизация йиғимини тўловчилар ҳисобланади.

Қуйидаги транспорт воситаларига йиғим тўланмайди:

- умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ устуворликлардан фойдаланадиган дипломатик ваколатхоналарга ёки консуллик муассасаларига, халқаро ташкилотларга, шунингдек уларнинг Ўзбекистон фуқаролиги бўлмаган, дипломатик мақомга эга бўлган ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига тегишли транспорт воситалари;

- ишлаб чиқарилганидан 30 ва ундан ортик йил ўтган L ва M1 тоифали, шунингдек ишлаб чиқарилганидан 50 ва ундан ортик йил ўтган, йўловчи ва юкларни тижорат мақсадида ташишга мўлжалланган, асл двигатели ва кузови билан асл ҳолати тикланган M2, M3 ва N тоифали транспорт воситалари;



- Ўзбекистонга олиб кирилиб «вақтинчалик олиб кириш» божхона режимига расмийлаштирилган транспорт воситалари.

Қарор билан транспорт воситасининг тоифасига, двигатель кувватига, ишлаб чиқарилган йилига ва двигатель ҳажмига қараб ҳисобланадиган утилизация йиғими миқдорлари тасдиқланган.

БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ, ТАЪМИРЛАШ УЧУН ОЛИБ ЧИҚИШ

? *Ўзбекистондаги ўзининг усқунасини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, узеллар ва агрегатлар олиб кирилганда, доимий муассаса томонидан қандай божхона божлари ва солиқлар тўланади?*

Ўзбекистондан Қозғистонга авария ҳолатидаги узеллар ва агрегатларни таъмирлаш учун олиб чиқиш таомили қандай?

– Товарлар ва транспорт воситаларини олиб киришда қуйидаги божхона тўловлари ундирилади (БК 289-м.):

- импорт божхона божи (29.06.2018 йилдаги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илова);

- акцизоти импорт товарларига акциз солиғи (ПҚ-3818-сон қарорга 2-илова);

- ҚҚС – солиқ солинадиган базанинг 15%и (СК 258-м.);

- божхона расмийлаштируви учун йиғим – олиб кириладиган товарлар божхона қийматининг 0,2%и, бироқ 25 АҚШ долларидан кам бўлмаган ва 3 000 АҚШ долларидан ортик бўлмаган миқдорда (Ставкалар, ВМнинг 30.04.1999 йилдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган).

Бунда БКнинг 300-моддасига мувофиқ, агар импорт қилувчи товарларни декларациялашда божхона органларига уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни тақдим этса, божхона тўловларини тўлаш чоғида тегишли имтиёз олиш мумкин бўлади.

Рўйхатга киритилган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида келишув имзоланган давлатларда ишлаб чиқарилган ва олиб келинган товарлар учун божхона божи тўланмайди ва эркин савдо режими тақдим этилади (2-илова, 30.06.2020 йилдаги 3267-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Қозғистон Республикаси шундай мамлакатлар жумласидандир.

Товарнинг муайян мамлакатдан келиб чиққанлиги товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат билан тасдиқланади. Ушбу ҳужжат товарнинг муайян мамлакатда ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлайдиган, экспорт ёки реэкспорт қилувчи мамлакатда белгиланган тартиб ва шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан берилган, шу жумладан электрон шаклда берилган ҳужжатдир (БК 363-м.).

Усқуна республикадан ташқарига таъмирлаш учун олиб чиқиш кетилётганда, у божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимиде расмийлаштирилиши лозим. Бу шундай режимки, бунда Ўзбекистон товарлари божхона ҳудудидан ташқарига қайта ишлаш ва уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларини кейинчалик божхона ҳудудига олиб кириш мақсадида олиб чиқилади. Улар божхона божлари ва солиқлар тўланишидан шартли озод этилади. Бундай товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди, бундан БКнинг 54-моддасида назарда тутилган тақиқлар ва чекловлар муастасно (БК 42-м.).

Товарни таъмирлаш, шу жумладан уни тиклаш, модернизация қилиш, унинг бузилган ёки эскирган таркибий қисмларини (элементларини) алмаштириш ёхуд тиклаш, нуқсонларини бартараф этиш товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш операцияси ҳисобланади (БК 43-м.).

Товар мазкур режимга божхона органининг товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун БКнинг 21-боби қондаларига мувофиқ бериладиган рухсатномаси асосида жойлаштирилади.

Рухсатнома олиш учун ваколатли шахс товар қайси божхона органининг фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса, ўша органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади (БК 134-м.):

- ариза;

- қайта ишлашнинг технологик жараёни тўғрисидаги маълумотлари бўлган техник-иқтисодий асослар (ҳисоб-китоблар), шунингдек ваколатли органларнинг ва (ёки) ваколатли ташкилотларнинг (шу жумладан божхона лабораторияларининг) қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаларини белгилаш учун аниқ қайта ишлаш технологик жараёнига асосланган ҳулосалари;

- қайта ишлашни амалга ошириш учун асос бўлган контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) ёки товарни қайта ишлаш учун олиб чиқишга ва қайта ишлаш маҳсулотларини олиб киришга доир контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) кўчирма нусхаси.



«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз **Гулнора АБДУНАЗАРОВА** олиб боради.

<p>СОЛИК ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ ©</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Раъно ИСМАИЛОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	---	---	---	---